

Уларнинг тўрига дастлаб Илёс Облақулов тушди. Шерзоднинг "Банкда танишим бор, пулингизни долларга алмаштирамиз", деганига лаққа тушиб, 30 млн. 900 минг сўмни тутқазиб юборди. Пул эса жиний шерикар ўртасида тақсимланди.



Нодир неча йиллардан бери бир қизни яхши кўрарди. Аммо унга етишолмади. Севган қизи унаштирилгач, ҳаловати йўқолди. "Қандай қилиб бўлмасин, тўйни тўхтатиш керак, аммо қандай қилиб?.." Унинг хаёлида тинимсиз айланган бу саволга жавоб топилди.



Нидош

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 7-aprel, №14 (1003)

Парламентда

Мухим ҳаётий масалалар муҳокамаси

Ўтган ҳафта пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи япми мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Ўткиржон ДЕХҚОНОВ,
«Нидош»

тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Техник тартибга солиш тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунларга ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Батафсил ва ҳар томонлама муҳокамадан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси таркибини туздилар ва тасдиқладилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчисини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси чоғида 14 та масала, шу жумладан, мамлакатимизда барқарорлик ҳамда фаровонлини мустаҳкамлашга қаратилган тўртта қонун кўриб чиқилди.



таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш учун уларнинг жавобгарлигини оширишда муҳим омил бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Даставвал, сенаторлар ўзинини "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошлади. Қонунда парламент назорати субъекти ва объекти белгилаб берилган, унинг шакллари мустаҳкамланган, парламент назорати натижалари бўйича қўриладиган чора-тадбирлар тартибга солинган.

Жумладан, Олий Мажлис палаталари, палаталар қўмиталари (комиссиялари), сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назорати субъектлари қаторига киритилган.

Мажлис чоғида қайд этилганидек, қонунда парламент назорати натижалари бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг, шунингдек, парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектлари ва давлат органлари мажбуриятларининг мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳокимият тармоқларининг бўлиниш конституциявий принципини рўйбга чиқаришни давом эттиришда, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизimini яратишда, Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини кучайтиришда, қонун устуворлигини, қонунийлигини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлари ижросини

Шундан сўнг сенаторлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлисининг қўйи палатасига киритилган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрири) кўриб чиқдилар.

Сенаторларнинг фикрича, қонунда янги қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши бухгалтерия ҳисобини юритиш принципларини, унинг мақсад ва вазифаларини тўлиқроқ очиб беришга, ушбу соҳада ошқоралик ва хавфсизликни оширишга, ички назорат тизимини мустаҳкамлашга, бухгалтерларнинг ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг касбий фаолиятини кучайтиришга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлис чоғида парламент юқори палатаси вакиллари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу қонуннинг асосий мақсади ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштиришдан иборат.

Ушбу қонун билан Жиноят кодексига, Жиноят-процессуал кодексига, Фуқаролик кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 31 мартдаги буйруғига асосан Абураҳманов Музаффар Мамурович Фаргона вилояти прокурори лавозимига тайинланди.

М.Абураҳманов 1978 йилда Фаргона вилоятида туғилган. Маълумоти олий, 2000 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. У дастлабки фаолиятини Фаргона шаҳридаги таъмирлаш ва йиғиш корхонасида ҳуқуқшуносликдан бошлаб, 2001 йилдан Қувасой шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи ва шаҳар прокурорининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 2004 йилдан Фаргона вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, 2006 йилдан Фаргона туман прокурорининг ўринбосари, 2007 йилдан Фаргона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, 2009 йилдан эса мазкур вилоятда ички хавфсизликни таъминлаш бўйича прокурор ёрдамчиси лавозимларида ишлаган. 2010 йилда эса Қўқон шаҳар прокурори этиб тайинланган. 2013 йилдан шу пайтгача Наманган вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



Амир Темуր таваллуд топган кунининг 680 йиллигига



Амир Тему́р салтанатида мурожаатларга муносабат

Ўзбек халқи фахр-ифтихорининг муаззам тимсоли, марказлашган буюк давлат асосчиси ва тенгсиз саркарда соҳибқирон Амир Тему́р қудратли ва адолатли давлат барпо этганлиги, салтанатда қонун устуворлиги ҳамда жазо муҳарраминини таъминлаганлиги билан ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ва бетакрор из қолдирган буюк шахсир.

Мазкур салтанатнинг куч-қудрати ва давомийлиги давлатининг мустаҳкам ва кучли интизом асосида барпо этилганидир. Унинг тўғри сиёсати туфайли халқ билан давлат ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзага келди. Давлат томонидан фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қилишнинг ўзига хос тизими яратилди. Рус олими Д.Логофет айтганидек: "Оврупода конституция ҳақида тушунчага ҳам эга бўлишмаган бир даврда ана шу "вахший"нинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — Тузуқ мавжуд ва амалда бўлган".

АҚШ давлат котиби Жон Керри 2015 йил 2 ноябрда Қозғистон пойтахти Остонадаги "Назарбоев университети"да қилган нутқида Амир Тему́р салтанатига шараф қилиб: "Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бундан 70 йил аввал Нью-Йоркда асос солинган деб ўйлаймиз. Шунда эса бу воқеа бундан бир неча юз йил аввал Самарқандда юз берган, унда турк, араб, мусулмон, яҳудий, арман, католик ва насронийлар ҳамжихатликда яшаган", дея таъкидлади.

Соҳибқирон салтанатида мурожаатлар билан ишлашнинг алоҳида дастаклари (механизми) мавжуд эди. Бу мазкур давлатнинг сиёсий барқарорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнаган.

Амир Тему́р ўз тузуқларида қуйидагича таъкидлайди: "...Хукм қилдимки, бир кишини арзбег қилиб тайинласинлар. У сипоҳ, райят ва арз-дод қилиб (ҳузуримга) келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг обод-хороблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганигини мени арзимга етказиб турсин".

Ёш авлод тарбияси – доимий эътиборда

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятни, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида 2014 йил 6 февралда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Шу ўринда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ҳамда улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишда прокурор назорати муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарс ва ўқув машғулотларига қатнашиши ахволи ўрганиб боришмоқда.

Умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг олаётган билимларини янада сайқаллаштириш, касбий маҳоратини такомиллаштириш, ёшларимизнинг дунёқарашига ахлоқий қадриятларни синдириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, спортга қизиқтириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш,

уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш, қобилиятларини юзага чиқариш мақсадида ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда бир қатор маданий тадбир, учрашув, танлов ва мусобақалар ўтказилишмоқда.

Туман-шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллари ва ота-оналар билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнини, ўқувчилар давоматини доимий таҳлил қилиб бориш йўлга қўйилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш борасидаги комиссиялар фаолияти жонлантирилган. Вояга ет-



маганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда профилактик ишлар назоратга олинди, уларнинг дарс ҳамда тунги вақтларда интернет кафедалар ва компьютер клубларида бўлиши, маънавий ахлоқсизликни тарғиб этувчи сайтларга кириш ҳолатларини аниқлаш ва барҳам бериш бўйича ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар билан ҳамкорликда рейдлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузарлик юзасида қатъий чоралар қўрилган. Масалан, мазкур ўқув йили бошида Каттақўрғон шаҳридаги автокорхона билан Каттақўрғон туманидаги касб-ҳунар коллежлари ўртасида шартномалар тузилиб, ҳудуддаги 12 та коллежга узоқ масофадан келиб ўқиётганлар учун 7 йўналиш бўйлаб 18 та автобус қатнови йўлга қўйилди. Автокорхона ҳамда

таълим муассасалари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, йўл ҳақи ўқувчилар учун имтиёзли, яъни 50 фоиз миқдорида белгиланган. Шунингдек, ўқувчи-ёшлар мазкур автобуслар хизматидан махсус жорий этилган ойлик чипталар орқали ҳам фойдаланиб келишмоқда.

Бу каби хайрли ишлар Самарқанд шаҳрида ҳам давом этмоқда. Хусусан, шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан ёшлар ўртасида соғлом муҳитни шакллантириш, иқтидорли мактаб битирувчиларини касбга йўналтириш, уларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида мактаб битирувчилари билан учрашувлар ўтказилишмоқда. Унда ёшлар вилоят "Баркамол авлод маркази" фаолияти билан танишиб чиқилди. Учрашув давомида прокуратура хо-

Дилмурод САЙИДКУЛОВ,
Самарқанд вилоят
прокурорининг ёрдамчиси

диллари мамлакатимизда ёшларни етук ва баркамол этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида гапирди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти тушуштирилиб, ёшлар шаҳар прокуратураси фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Шундай тадбирлардан бири Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан ўтказилиб, унда прокуратура, суд, адлия бошқармаси, адвокатлар палатаси, суд ижрочилари департаменти раҳбарлари иштирок этишди. Улар коллеж ўқувчиларига ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, ёшлар орасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари, ўқувчи-ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ижобий ишлар, эрта никоҳ ва ажралишларнинг олдини олиш бўйича маърузалар қилишди. Мутахассисларнинг фикрлари ўқувчилар томонидан қизиқиш билан тинг-

Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилиб берилаётган имкониятлар кўламини тобора ортиб бормоқда. Ушбу имкониятлардан кенг фойдаланаётган юртдошларимиз ўз бизнесларини йўлга қўйиб, юрт равнақига самарали ҳисса қўшмоқдалар. Буни ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда хусусий бизнес ва кичик тадбиркорликнинг улуши тобора ортиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Солиқларни тўламаган эди...

Шерзод АРТИКОВ,

Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Албатта, ҳар бир тадбиркор аввало иқтисодий имкониятларини кенгайтиришни, оиласининг фаровонлигини таъминлашни хоҳлайди. Тадбиркорликка кенг йўл беришдан қўзғалган мақсад ҳам юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишдир. Қонун устувор бўлган мамлакатимизда ҳар бир фаолиятнинг, хатти-ҳаракатнинг ўз меъёри, қонун-қондаси бор. Баъзи бировлар ўз хоҳиш-истакларини қонунлардан устун қўйишлари оқибатида мавжуд қоидаларни буздилар. Айримлар билимсизлигини баҳона қилса, кимдир нафси ҳақалак отганилиги оқибатида боши берк кўчага кириб қолди. Қонун эса барчага баробар.

Гурланлик С.Қуролбоев (исм-фамилияси ўзгартирилган) ўн йил давомида масъулияти чекланган жамиятга раҳбарлик қилган. Фаолиятни кенг йўлга қўйиб, мўмай даромад олгани ҳолда, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга негадир рўйхушлик бермади. Аниқроқ айтганда, 2010 йилдан 2015 йилнинг июнь ойига қадар ягона ижтимоий тўловни, ягона солиқ, ягона ер солиғи, 2012 йилдан бошлаб даромад солиқ тўловини, бюджетдан ташқари пенсия таъминотига тўловларни, жами 110408,1 минг сўмлик тўловларни тўлашдан бўйин товлаган.

Мўмай даромад қилишнинг ўзи бўлмади. Меҳнат қилиш, тер тўкиш лозим. "Қаҳрамонимиз" эса қонунларни четлаб ўтган маъқул деб ҳисоблади. 2010-2013 йилларда жами 127614,4 минг сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, пул маблағларини назорат касса машинасидан ўтказмаган. Жамиятнинг "Дўсимбин" парранда" МЧЖдан дебитор қарздорлиги эвазига маккажўҳори поёси, "Полвон момо" фермер хўжалигидан шоли қабул қилиб олган бўлса-да, мазкур тадбиркорлик субъектларидан дебитор қарздорлиги мавжудлиги ҳақида қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, солиқ идораларига тақдим қилиб келган.

2007-2014 йиллар давомида О.Сувоновни номигагина бош ҳисобчи сифатида расмийлаштириб, 2010-2014 йиллар давомида жамият ҳужжатларида унинг имзосини сохталаштирган.

С.Қуролбоев бу каби қилмишлари фож этилганда тилини тишлаб қолди. Эътиборсизлиги оқибатида қонунбузарликка йўл қўйганлигини айтди.

Ваҳоланки, елкасига тадбиркорлик юниси олган инсоннинг эътиборсиз бўлишга ҳаққи йўқ. Прокуратура идоралари томонидан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида уларнинг билимларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида ёндашилмоқда. Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда давра сўхбатлари, ўқув-семинарлар ташкил қилиниб, қонунчиликдаги янгиликлар билан мунтазам равишда таништирилмоқда. Қолаверса, қонунчилигимизда тадбиркорлар учун имтиёзлар салмоғи тобора ортмоқда. Ана шундай шароитда ҳам бу шахс ўз манфаатини давлат манфаатидан устун қўйди. Қонунбузарлик содир этган С.Қуролбоев суд ҳукми билан қилмишига яраша жазога тортилди.

Иллат доялари

Бурхон БУРХОНОВ,

Бухоро вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Инсоният тақдирини, бахтига, осойишталигига раҳна солаётган одам савдоси бутун дунёда глобал муаммога айланди. Лекин, ачинарлиси буналай жирканч иллатнинг кўпайишидан манфаатдор бўлаётганлар ҳам топилади.

Бухоро шаҳрилик Зулфизар Равшанова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам бир неча марта судланиб, тегишли жазосини олган бўлса-да, бундан тўғри хулоса чиқармади. З.Равшанова 2012 йил май ойида Бухоро шаҳридаги "Сапфир" ресторанида Алеся Антонова билан танишди. Унга бир неча йилдан бўён Таиланд давлатига бориб ишлаб келишини айтиб, агар рози бўлса, йўл харajatларини ўз ҳисобидан тўлаб, уни ҳам ўша давлатга олиб бориб, ишга жойлаштиришини таъкидлабди.

Алесянинг ишончига кирган Зулфизар унга ўз ҳисобидан 2012 йилнинг май ойида "Тошкент-Банкок" авиарейсига чипта олиб беради. Ўзи ушбу ойнинг ўрталарида Таиландга бориб, Бангкок аэропортида А.Антоновани кутиб олади. Сўнг Паттая шаҳридаги икки хонали ижарага олган уйига олиб бориб жойлаштиради. 2013 йилнинг февраль ойига қадар ундан шахвоний мақсадларда

фойдаланиб, одам савдоси жиноятини содир этади. Шунингдек, З.Равшанова ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, жиноий шериғи Богдагул Кароматова билан тил бириктириб, бухоролик Латофат Қобилваннинг ишончига қиради. Унга ҳам 2012 йилнинг октябр ойида "Тошкент-Банкок" авиарейсига чипта олиб бериб, Латофатни кузатиб қўйди. Бангкокда Латофатни Богдагул кутиб олиб, уни ҳам Паттая шаҳридаги ижара уйга жойлаштиради. 2013 йилнинг январига унинг меҳмонхоналарида фохшилик қилишга мажбурлаб, ушбу аёл ортидан ноқонуний даромад орттиради. "Хамкасба"лар Самира Собитова, Хусниянон Пардажонова ва бошқаларни ҳам яна ўша манзилга етказиб, одам савдоси жиноятини содир этадилар.

"Қаҳрамон"ларимиз бу ноқонуний даромадлар бир кун ўз бошларига гавго олиб келишини йўлаб ҳам кўрмаган бўлишса керак. Улар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларига биноан жазога тортилди.

Уюштирилган навбат

Анваржон ГАФУРОВ,
СВОЖДЛҚК

департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

Ўзгаларнинг ишончини суистеъмол қилишни касб қилган Шўҳрат Рустамов ва Шароф Бозоровлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қабиҳ инсонлардан десак хато бўлмайди. Аслида уларнинг иккаласи ҳам муқаддам бир неча бор судланган бўлсалар-да, бундан ўзларига тегишли хулоса чиқармадилар.

Бу устамонлар пойтахтимизда жойлашган Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭБга қарашли ҳибсхоналарнинг атрофида бир гуруҳ бўлиб, гўёки ўзларини шу ернинг масъул ходимлари қилиб кўрсатиб, бу жойга яқинларини йўқлаб келган фуқаролардан қонунга хилоф равишда турли баҳоналарни важ қилиб, фибрибгарлик йўли билан пул олиб юришлари аниқланди.

Улар фуқаро М.Исханова-

дан 20 минг сўм, Г.Имоновадан 25 минг сўм, У.Тахирова ва Н.Зариповадан 20 минг сўмдан пуллари фибрибгарлик билан қўлга кириштирилган вақтда СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва ИИБ ЖИЭБ ходимлари билан ўтказилган ҳамкорликдаги тадбирда қўлга олинди, қилмишлари фож қилинди.

Қонунбузарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан Шўҳрат Рустамов ва Шароф Бозоровга тегишли жазо тайинланди.

Гарчанд, бу фибрибгарлар жиноий жазога тортилган бўлса-да, ҳаёт ҳар биримизни хушёрлик ва огоҳликка ундайди.

Қаллоблик, тилғоламлик ортидан шахсий манфаат топаман, одамларни чув тушираман деб юрган фибрибгар кимсалар ҳозир ҳам кам эмас. Уларни илдиизи билан йўқотиб, жамиятда соғлом турмушини барқарор ҳукм суришини таъминлашда фуқаролик бурчимизни, инсоний масъулиятимизни унутмайлик.

Амир Темур салтанатида муносабатларга муносабат

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Амир Темур салтанати да фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, муносабатлар билан ишлашнинг ташкил этилиши, бу борада давлат мулозимларига юксак масъулият юклатилиши таҳсинга сазовордир.

Люсьен Кэрэн "Амир Темур салтанати" номли асариди: "...Улуғ амир фуқароларига кўрсатган ақл бовар қилмайдиган таъсирни изоҳлаш учун сўз камлик қилади; содда қилиб айтганда, у ўз фуқароларининг ҳўжаси эди, зеро у раҳбар бўлишдек тўғма, аммо ақлга сизмайдиган табиий ва синоатли хислат соҳиби эди", деб изоҳлайди.

Амир Темур салтанатида жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш ўзига хос кўринишга эга бўлган. Чунончи, соҳибқирон ўттиз беш йиллик ҳукмронлик даврининг аксарият қисми сафарда ўтганлиги боис бирор юртга бориш ёки сафардан мамлакат пойтахтига қайтишда аҳолининг турмуш тарзи, яшаш шароити ёки мулозимлар томонидан уларга бўлган муносабатни аниқлаш борасида сайёр қабуллар ташкил этган.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий куйидагича тасвирлайди: "Ва соҳибқирон тақи ҳар вилоятгаким, етиб тушар эрди, ўзи девонда ўлтуруб, ривоят ва факиру мискинларнинг аҳолини сўруб ўтар эрди..." Худди шу каби солномачи Хильда Хўкжэм ёзишича, Самарқандга қайтаётган соҳибқирон йўл-йўлакай ҳар хил ахборот тўплар, шикоятларини тинглар, исёнларни бостиради, ўллонларни қабул қилар, маҳаллий амалдорларни ҳисоб беришга даъват этар, дорилдадолат (одил судлов) мажлисларида иштирок қилар, жазо чораларини тайинлар, меҳр-муруват кўрсатарди.

Соҳибқирон салтанатида элчиларни қабул қилиш жараёнини Руи Гонсалес де Клавихо саёҳат кундаликларида батафсил баён этган: "Темурбек шохсуна устиди ўлтирарди. Унинг олдида фаввора юқорига отилиб турар, фаввора ҳовузиди қизил олмалар сузиб юрарди. Подшоҳ лўлаболушга ёнбошлаган ҳолда шойи кўрпача устиди ўлтирарди. Подшоҳнинг эғнида гулсиз силлиқ шойи яқтак, бошида узун теллак, теллакнинг юқорисиди қизил ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган. Элчилар подшоҳни кўришлари билан ўнг оёқлари билан тиз чўкиб, қўлларини кўксиларига кўйиб, таъзим қилдилар. Кейин бироз яқинлашиб, яна таъзим қилдилар. Яна бир бор таъзим қилиб, сўнг тиз чўкиб турдилар. Подшоҳ уларнинг ўринларидан туриб, яқинроқ келишларини айтди. Мулозимлар подшоҳга яқинлашиб боришдан истиҳолга қилиб, элчиларнинг қўлларини кўйиб юбордилар. Подшоҳ ёнида



турган, унга энг яқин кишилар ҳисобланган Шамелик Мирасса (Амир Шох Малик), Борунда Мирасса (Амир Бурундик), Норадин Мирасса (Шайх Нуриддин) деб аталган уч амир элчиларнинг қўлларидан олиб, подшоҳ ёнига келтириб, бир сафда тиз чўктириб қўйдилар... Подшоҳ элчиларга қўлидан ўпишга рухсат этмади, чунки уларда бундай одат йўқ эди. Улар иззатталаб кишилар бўлганликлари сабабли, ҳатто улуғ подшоҳнинг ҳам қўлидан ўлмайдилар".

Амир Темур қабул жараёнида давлат хизматчиларининг тахт атрофида жойлашиш ўрнини куйидагича ташкил этган: "Амир эъдимки, фарзандлар ва набиралар салтанат тахти теграсида ярим ойдек саф тўтиб ўтирсинлар. Сайийдилар, садрлар, шайх ул-ислом ва қозилар, уламо-ю фузалов, ақобир аҳоли ўнг қўл тарафда ўтирсинлар. Беклар беги, амир ул-умаро, улус ва туман ва қўшин амирлари, мингбоши-ю ўнбошилар мартабалари даражасига қараб, чап қўл тарафда ўтирсинлар. Мамлакатларнинг катта ва оқсоқоллари вазирлар орқасида саф тортиб ўтирсинлар. Баҳоидирик мартабасига эришган яқка баҳоидирлар, тахт орқасида ўнг қўл тарафда ўтирсинлар. Девонбеглар ва қўшчилар чап қўл тарафда ўтирсинлар. Ҳироров амира тўғрисида қарор топсин. Маҳрам ясовул чодир эшигиди тахтининг тағида тургай. Бурунғор ясовули қаршида турсин. Бошқа қўшин, хизматкор ва ходимлар мартаба даражасига қараб саф тортиб турсинлар ва давра-давра бўлиб ўз жойини сақласинлар. ...Арз-дод қилиб келганлар ўнг ва чап томонда тик турсинлар".

Муаррих Ибн Арабшох соҳибқироннинг табиатида хос бир хусусиятни шундай таърифлайди: "У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчйиб, таъзим қилдилар. Кейин бироз яқинлашиб, яна таъзим қилдилар. Яна бир бор таъзим қилиб, сўнг тиз чўкиб турдилар. Подшоҳ уларнинг ўринларидан туриб, яқинроқ келишларини айтди. Мулозимлар подшоҳга яқинлашиб боришдан истиҳолга қилиб, элчиларнинг қўлларини кўйиб юбордилар. Подшоҳ ёнида

шамол, Боғи беҳишт, Боғи баланд, Боғи дилқушо, Боғи чинор, Боғи зогон, Боғи нав, Боғи жахоннома, Боғи гулбоғ, Боғи бўлду, Боғи нақши жахон, Боғи давлатобод, Боғи боғча, Боғи майдон ва Боғи Шохруҳ каби боғлар қад кўтарган бўлиб, ҳар бир боғ ҳовлисида қасрлар барпо этилгани ҳолда шу қасрларнинг ҳар бирида турли кўринишда қабулхоналар ташкил этилган. Солномаларда бу қабулхоналар боргоҳ ёки айрим адабиётларда "Арз ва шикоятлар маҳкамаси" деб юритилган. Ушбу қабулхоналардан бирини Херман Вамбери куйидагича тасвирлайди: "Шарқ томонда "Дилқушо" саройи бор, шаҳарга қараган эшигига "Дарвоза фируза" деб хал билан жуда чиройли ёзилган. Бу саройнинг кенг, катта, осмон ва юлдузли қошлар билан безатилган пештоқи узоқдан ялтираб турар эди. Саройнинг ташқи ҳовлисида ҳокон саройлари бор; бунда қуроллардан аскарлар турадилар, ички ҳовлида эса, тўғлар билан безатилган олтига фил сафи зиёратчиларни ҳайратга соларди; фақат энг ички — ичинчи ҳовлидагина Темур олтин нақшли тахтада ўтириб, зиёратчиларни қабул қилар эди".

Соҳибқирон қабулидаги муносабатлар котиблар томонидан воқеалар дафтарига қайд этиб борилган. Бу хусусида Амир Темур ўз тузуқларида шундай битади: "Ва яна мажлис котибларини таъинлашни буюрдимки... Менга арз қилинган гаплар, чиқарган ҳукмлари, мажлисларда кўрилган мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб, жузый ишларга баччасини қаламга олиб, (бошимдан келчирган) воқеалар дафтарига киргизсинлар".

Салтанатнинг устун томонларидан бири шундаки, давлат аҳамиятига молик, раият ва сипоҳлар ҳақ-ҳуқуқларининг топталганлиги, мулозимларнинг мансабини суиистеъмол қилганлиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид ҳар қандай шикоятлар эътиборсиз қолдирилмас, синчовлик билан ўрганилиб, қонуний ечим таъминланар эди.

Манбаларда келтирилишича, Амир Темур салтанатнинг минтақаларидаги ҳақиқий

аҳвол, маҳаллий амалдорларнинг халққа муносабати, бозорлардаги нарх-наво, жойлардаги тартиб-интизом ҳақида аниқ, тўғри маълумотга эга бўлишга катта эътибор берган. Бунинг учун махсус ахборот тўпловчилардан, алоқа хизматларидан, жойларга топширик билан юборилган ишончли вакиллардан фойдаланган. Соҳибқирон бевосита халқ билан учрашиб турган, халқнинг арз ва шикоятларини бевосита қўриб ва эшитиб ҳал қилган.

Бу ҳолатни солномачи Саляхиддин Тожқандий шундай таърифлайди: "Амир Темур Балхда эканлигида содир бўлган воқеа шундай. Бир кун Амир саройдан чиқиб, ўрамаларда юрар эрди, бир киши, соқоли мош биринч каби бўлган, нола бирла йиғлаб борури, айтадурки, эй яратган тангрим, бизларни бу кофир золимдан йироқ қилгил. Амир анинг елкасидан ушлаб кўрди, танудиким, отаси қўлидан бир замонда муни озод қилган эрди". Амир Темур қўлидан озод қилган чолнинг ўғлини ҳам жонини гаровга қўйиб бўлса-да, озод қилади.

Амир Темур салтанатида савдогар ва тадбиркорларнинг шикоятларини тинглаш ва уларни мазмунан ҳал қилиш шахсан ҳукмдор назоратида бўлиб, бу борада қатъий қарорлар қабул қилинган.

Солномачи Низомиддин Шомий бун куйидагича изоҳлайди: "Бағдод халқи зору тазарруъ мақомиди туриб, ожизлик ва ҳоҷатмандлик билан Амир соҳибқирон ҳазратлари ва фарзандларининг саломатликлари дуосига йўл очдилар ва галаба ёр лашкарларнинг ҳаражатлари учун амон молини қабул қилдилар. Яна савдогарлар ва мусофирлар билан биргалликда арзга етказдилар. "Бу томонда Тикрит номли бир қалъа бор, маҳкамликда машур ва мустаҳкамликда маъруфдир. Унда бир жамоа муфсидлар жойлашиб олган. Доимо Миср ва Дамашқ савдогарларнинг йўлини тўсадилар, мусулмонларнинг молу манолини таллайдилар. То шу дамгача ҳеч ким уларни даф қилишга машғул бўлмади ва уларнинг илдинини қўприб ташлашга ҳимматини сарф этмади".

Амир соҳибқирон уларга: "Бизнинг олий ҳимматимиз шундай ёмон бадқирдорлар-

Содиқ Юлдашев,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги Давлат
бошқаруви академиясининг
мустақил тадқиқотчиси
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

нинг дафъига ва муфсидларни йўқотишга сарфланаётганлиги тўғрисида бу иш ҳам охирачун ажру савоб захираси ҳамда дунёвий фатҳларнинг нодирларидан бўлғусидур", деди... Кўп ўтмай Тикрит қалъасини ишғол қилиб, айбдорларни ёсоққа тортидилар.

Буюк тарихий эҳтиёж Темурбекнинг қудратли давлат барпо этишига асосий сабаблардан бири эди. Соҳибқирон салтанат равнақи, аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishi борасидаги ҳар қандай тақлифларга бевътиҳор бўлмаган, аксинча, бу тақлифларга ижобий муносабат билдириб, амалда татбиқ этувчи ҳукмрон сифатида тарихий из қолдирган.

Тарихий манбаларда битилишича, унинг ҳаёти ва фаолиятида турмуш ўртоғи Сароймулкномим ва уч шайхнинг, яъни Шамсиддин Кулол, Зайниддин Абу Бақр Тайободий ва Мир Сайид Бараканнинг тақлифлари аксарият ҳолатларда инобатга олинган ва салтанат бошқарувда беқийёс аҳамият касб этган.

Амир Темур ўз тузуқларида: "Пирим (Зайниддин Абу Бақр Тайободий) менга ёзишларким: "Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсига амал қилган, яъни: 1) (ўзинг билан) кенгаш; 2) (бошқалар билан) машварату маслаҳат айла; 3) ҳушёрлиги мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чикар; 4) эҳтиёткор бўл. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишларини айтган гаплари хато бўлган жоҳил кимсага қийёслас мумкин... (Хуллас) тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шунини айтиш жоиздирким, қатъийлик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик, шижоат ва сабр-чидам билан барча ишлар амалга оширилгай. Вассалом".

Бу мактуб менга йўл бошловчи янглиғ раҳнамоллик қилди. У менга салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилиб билан бажо келтирилишини аналтди", деб таъкидлаган.

Мухтасар айтганда, XIV аср сарвари (Амир Темур) томонидан сафар вақтида далаларда ўрнатилган чодирларда сайёр қабуллар ташкил этилиши, салтанатда сайёр қабулнинг мукаммал дастурлари ишлаб чиқилганлиги, муносабатларни ҳал қилувчи мулозимларга нисбатан юксак масъулиятлилик қонун билан мустаҳкамланганлиги, қабул вақтида муносабат билан келганларга эркин сўзлашиш учун имконият яратиши, улар билан ҳушумола бўлиш, синчовлик билан қузатиб, ваъминлик билан охиригача тинглаш каби ҳолатлар муносабатларни ҳал этишда тўғри қарор қабул қилишга асос бўлган.

Моддий ва маънавий зарарларни ундириш

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этади. Уларнинг барчаси ҳуқуқий жиҳатдан тенг муҳофаза этилади. Шу жумладан, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш турли шаклдаги мулк дахлсизлигини таъминлаш, давлат ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддаси 1-қисмига кўра, айричиликнинг ҳаракати (ҳаракатсизлик) тубайлий фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳақда қопланиши лозим.

Жиноий ҳаракатлар оқибатида нафақат моддий, балки маънавий зарар ҳам етказилиши мумкин. Маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда зарар етказувчи томонидан юқорида қайд этилган кодекснинг 1021-моддаси

1-қисмига мувофиқ қопланади.

Қашқадарё вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада қонунийликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жиноий ҳаракатлар оқибатида жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун тегишли чоралар кўриляпти.

Шаҳар ва туман прокуратуралари томонидан бу борада амалга оширилган ишлар тизимли равишда таҳлил этиб бориляпти. Уларнинг фаолиятини жадаллаштириш ва тақомиллаштиришга қаратилган тегишли хатлар юборилиб, услубий ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили жабрланувчиларнинг манфаатларини кўзлаб судларга жами



2 млрд. 130 млн. сўмдан кўпроқ зарарни ундириш бўйича 265 та ариза киритилиб, барчаси қаноатлантирилди. Шу жумладан, 1 млрд. сўмдан орттиқ маблағнинг жабрдийдаларга тўлиниши таъминланди.

Таҳлил ва ўрганишлардан аниқланишича, ушбу тоифадаги ишлар судлар томонидан асосан қонуний ҳал қилинган. Бироқ айрим ишлар бўйича фуқаровий давони таъминлаш учун зарур чораларни етарли даражада кўрмаслик, зарарларнинг миқдори ва хусусияти тўғрисидаги далилларни тўлиқ текширмаслик, давлат божини ундиришда қонун талабларига риоя этмаслик ҳолатлари йўл қўйилган. 2015 йилда судларнинг қонунга зид 16 та ҳал қилув қарори прокурорлар томонидан келтирилган протестларга асосан қонун талабларига мувофиқлаштирилган.

Жумладан, суднинг ҳал

қилув қарори билан даввогар З.Ҳолиқовнинг фойдасига жавобгарлар К.Қурбонов, Ж.Қурбонов ва Ф.Маматқулдовдан жиноят оқибатида етказилган 2,3 млн. сўм моддий ва 8 млн. сўм маънавий зарар ундирилган. Мазкур ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд Фуқаролик кодексининг 1022-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўлашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарорининг 2- ва 13-бандлари, зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилик ва оқилоналик талабларига риоя этилмаганлиги боис, ушбу қарорга нисбатан протест келтирилди ва у қаноатлантирилиб, жавобгарлардан солидар тартибда 1,36 млн. сўм моддий ва 3 млн. сўм маънавий зарар ҳамда 125,1 миң сўм давлат божни ундирилиши таъминланди.

Яна бир мисол, мархума Х.Ҳоллиева жиноят оқибатида эмас, балки касаллик оқибатида вафот этган бўлса-да, фуқаролик ишлари бўйича Чирочки туман судининг 2015

Одил АМИРКУЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

йил 24 мартдаги ҳал қилув қарори билан уни дафн этиш харажатлари учун жавобгар Ш.Бобомирзаевдан қонунга асосланмаган ҳолда зарар ундирилишига йўл қўйилган. Кейинчалик келтирилган апелляция протестига асосан суд томонидан қонуний қарор қабул қилиниши таъминланди.

Умуман, жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни аниқлаш ва ундиришда жабрланувчининг ҳам, жавобгарнинг ҳам қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, бу борада қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этиш ниҳоятда муҳим. Ушбу тоифадаги ишларни қўришда ягона суд амалиётига эришишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Уйлаймики, ушбу чоралар судлар фаолиятини тақомиллаштирибгина қолмай, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши яхшилаш имконини ҳам беради.

Тадбир

Қонунлар ижроси:

Миллий ва хорижий тажриба

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида "Қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш механизмлари: миллий ва хорижий тажриба" мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Германиянинг К.Аденгаур ва Ф.Эберт номлиги жамғармалари, БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХҲТ лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Европа парламенти депутатлари, Германия, Италия, Бельгия, Латвия, Словения каби давлатлардан экспертлар иштирок этиди.

Конференцияда Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, уларнинг амалий самарадорлигини оширишда қонуний асосларни мустаҳкамлаш, қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққиётига хизмат қилаётгани таъкидланди. Давлат органларининг қонунларни сўзсиз бажариш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари, ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг аҳоли ҳуқуқий хабардорлигини ошириш ва қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятини ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимламоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" барча ютуқларимизнинг мустаҳкам пойдевори, тараққиётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда янги босқични бошлаб берди. Концепцияга мувофиқ қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

ҳуқуматимиз ва ижро тузилмаларининг қонунлар ижроси ҳамда устуворлигини таъминлашдаги масъулиятини янада оширди. Миллий қонунчилик базасининг изчил тақомиллаштирилаётгани мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш, қонунлар ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашда муҳим омили бўлаётди.

— Мазкур халқаро конференцияда иштирок этиш жараёнида қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш борасида Ўзбекистон тажрибаси билан яқиндан танишдик, — деди Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш институти асосчиси ва ижро директори Эрик Аксе (Бельгия). — Мамлакатимизда кучли қонунчилик базаси яратилгани, мазкур тизим изчил ривожланаётгани, соҳада халқаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани эътибор молик. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашидик, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича келишиб олдик.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш механизмларини янада тақомиллаштириш борасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар билан таништирилди. Қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари, қонунларни сўзсиз бажаришда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги хусусида фикр алмашилди.

Европа парламенти депутати Ивета Григуле демократик ислохотларни муваффақиятли ва самарали амалга ошириш учун зарур бўлган, ҳаёт талаб қилаётган қонунларни қабул

қилиш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказишга оид ҳуқуқий тажрибани ўрганиш ва самарали қўллаш, уларнинг ижросини назорат қилиш қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Бу борада Ўзбекистон тажрибасидан ўрганиш ва намуна олиш мумкинлигини қайд этди.

Конференцияда ахборот соҳасини ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш юзасидан қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига алоҳида эътибор қаратилди. Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш масаласи ақс этган, улар фаолияти ҳақидаги ахборотни тарқатишнинг янги тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда янги тахрирда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартибини тубдан тақомиллаштирди, уларни наш қилинган расмий манбаларини белгилаб берди. Ўзбекистонда янги қонунлар, қонун тўпламларини чоп этадиган расмий манбалар фаолият кўрсатмоқда. Бу борада Адлия вазирилик томонидан яратилган Lex.uz миллий қонунчилик базаси, "Norma" ва "Yurida" ахборот-ҳуқуқий тизимларидан унумли фойдаланилмоқда. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", ҳуқуқий адабиётлар чоп этилмоқда.

— Қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш борасида Ўзбекистон тажрибаси ва бу соҳада эришилаётган ютуқлар билан яқиндан танишганимдан мамнунман, — деди Италиянинг Осие ва Ўртаер денгиз митингаси масалалари бўйича институти вице-президенти Уго Интини. — Ўзбекистонда демократик ислохотлар

босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Барча соҳаларни изчил демократлаштириш доирасида соҳаларга оид қонунчилик тизимини тақомиллаштирилмоқда. Мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қонун ва қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг умумий принциплар ва механизмларини белгилаб қўйиш билан чегараланмаслик кераклигини алоҳида таъкидлади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, замонавий шароитда қонунлар ижроси тизимини принципал жиҳатдан янги ёндашувлардан фойдаланган ҳолда уни доимий ислоҳ қилишни талаб этади. Конференция иштирокчилари мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг самарали ижросини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади. Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислохотлар юксак самаралар бераётгани, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида катта муваффақиятларга эришилаётгани қайд этилди.

Анжуманда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочилар ва аҳолига етказишнинг самарали усуллари, бу борада парламентнинг ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги, қонунлар ижросини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатишдаги роли, аҳолининг улардан хабардорлигини таъминлашда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги, қонунлар ижросини таъминлашда давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, қонунларни сўзсиз бажаришда қонун ҳужжатлари самарадорлигини баҳолаш тизимининг ўрни каби масалаларга доир маърузаларни тингладим.

Ноҳира Манзурова, ЎзА

Бағрикенглик ва инсонпарварлик ифодаси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш замирида, авваламбор, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кеңиримли бўлиш мақсадлари муҳим.

Бу борада жамиятимиз ҳаётининг энг улғу саналаридан бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан эълон қилиниши анъанага айлиб қолган амнистия акти ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Азал-азалдан аждодларимиз ўзаро ҳамжихатликда яшашга интиланган, жанжалларни эса муросяу мадора асосида бартараф этиб, ҳар қандай низоларга барҳам беришга ҳаракат қилган. Бирон-бир жиноятга қўл уриб, кимгадир моддий ёки маънавий зиён, зарар етказган шахнинг гуноҳдан ўтиб яшашга одатланган. Шу боис кеңиримлилик халқимизга хос энг юксак фазилат, ахлоқ-одоб намунасидир. Айна инсонпарварлик принципи замирида кеңиримлилик ҳам муҳим сифатларини ҳисобга олган ҳолда давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим рол ўйнаётган амнистия ҳужжати қабул қилиш тўғрисидаги ташаббуслари бундай олий ҳислатнинг юксак намунасидир.

Амнистия афв этиш акти бўлиб, олий давлат ҳокимияти органининг айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қароридир. Унинг асосида билиб-билмай жиноятга қўл урганларнинг айби кеңирилади, уларга ҳаётини тўғри йўлга солиш учун имконият яратилади.

Маъмур ҳужжат нафақат демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг устувор тамойиллари, балки халқимизнинг минг йиллардан буён асраб-авайлаб келинаётган кадриятлари, бағрикенглик ва

мурувват каби фазилатларини ҳам ифодалади.

Шу боис ҳам амнистия актига, авваламбор, фақатгина маҳрум ёки жиноят содир этган шахсни жазодан озод этилишини кўзда тутувчи ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида эмас, балки жазодан озод этилганларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб кетишида муҳим ўрин тутувчи ҳужжат сифатида ҳам қараш лозим. Чунки, ушбу актни қўллаш тартибини белгилловчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланадиган Низомда амнистияга биноан жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўнгли ва ҳимоясига оид комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам кўзда тутилади.

Бир сўз билан айтганда, амнистия актини қўллаш — байриқонуний ҳаракатлар содир этган шахслар учун ҳаётда ўз ўрнини топишда маълум имконият ва енгилликлар туғдириш мажмуаси десак, муволаға бўлмайди.

Шу ўринда амнистия институти, унинг вужудга келиш тарихи ва шаклланиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. "Амнистия" юнонча сўз бўлиб, гуноҳдан ўтиш, кеңириш, унуттиш, афв этиш деган маъноларни англатади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб, амнистия дунёнинг қатор мамлакатларида қўлланилиб келинмоқда. Ўз навбатида, амнистия билан боғлиқ нормалар Франция, Италия, Австрия, Португалия, Латвия, Филиппин ва бошқа қатор давлатларнинг жиноят қонунчилигида мавжуд. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, амнистия муайян воқеа ёки ҳодиса

ёхуд айрим байрам муносабати билан эълон қилинади.

Таъкидлаш жоизки, барча амнистия акларида айрим чеклашлари ҳисобга олган ҳолда, энг аввало, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар ва 60 ёшга тўлган эркекларнинг жазодан озод этилиши назарда тутилган.

Бинобарин, оилада хотин-қизларнинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Аёлларнинг рўзғордаги вазифаларини, аввало, уларнинг оналик бурчи ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Шу боис ҳам амнистия акларида жиноят йўлига адашиб кириб қолган ва ўз қилмишидан чин кўнгилдан пуншаймон бўлиб, тўғри хулоса чиқарган хотин-қизларнинг, биринчи навбатда, ўз оиласи бағрига қайтарилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жиноят содир этганда 18 ёшга тўлмаган ёшларга нисбатан ҳам мурувват кўрсатилиб, жазодан озод этилмоқда. Зеро, жазони ижро этиш муассасаларидаги шарт-шароит нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир у ёшларни тарбиялаш ўчоғи бўла олмайди. Дунёқароши ва ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган бир пайтда уларни озодликдан маҳрум қилиш орқали кўзланган мақсадларга эришиш қийин масалалардир. Ёшларимизни қонунларга ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, менталитетимизга зарарли бўлган таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш нечоғли афзаллиги бирор-бир эътироз туғдирмайди ҳам ҳақиқатдир.

Шунингдек, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пуншаймон бўлиб, болалари ва набираларига тўғрилик ва ҳалоллик, йўмон-эътиқод, Ватанга ва ўз халқига муносиб

фарзанд бўлиш ҳақида панду насихат қиладиган ёшдаги, соч-соқоли оқарган 60 ёшга тўлган эркекларга ҳам амнистия актининг қўлланилиши, меҳр-мурувват, кеңиримлилик каби халқимизга хос эзгу фазилатларнинг жамият ҳаётига татбиқ этилаётгани айна муддаосидир.

Бундан ташқари, ҳар бир амнистия актида биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлари, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор қучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсинлик қиладиган оғир касалликка чалинган, деб топилган шахсларни жазодан озод қилиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганидан кўпчилик яхши хабардор.

Амнистия тўғрисидаги қарорларнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда уларни қўллаш тартиб-тамоилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) минтақавий вакилларида иборат тартибда жойларда тузилаётган ишчи гуруҳлар фаолияти ҳам самарали бўлмоқда. Ушбу ишчи гуруҳлар томонидан жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан суҳбатлар ўтказилиши, суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш юритишдаги ишлар билан танишиш ва амнистия актини қўллаш жараёнида бевосита иштирок этилиши орқали жамият ва фуқаролик институтлари назоратининг тизимли, энг асосийси, самарали механизми такомиллашиб бормоқда.

Амнистия актларининг ижросини таъминлаш жараёнида прокуратура, ички ишлар органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бош-

Эркин АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
ўринбосари

қа мутасадди маҳаллий ҳокимият идоралари билан ўзаро ҳамкорликда жазодан озод қилинган шахслар тўлиқ ҳисобга олиниб, касалга чалинганлар даволаш муассасаларига, ёлғиз шахслар эса ноғиронлар ва қариялар уйларига жойлаштирилмоқда, уларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид бошқа чоралар амалга оширилмоқда. Вояга етмаганлар ота-оналари ёки васийлик ва ҳомийлик органлари назоратида топширилиб, тегишли таълим муассасаларига юборилмоқда.

Амнистия актининг қўлланиш тартиби ҳақидаги ниҳомларда ушбу қарорларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминлашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори масъул эканлиги қайд этилади. Бу ҳолат прокуратура органларининг барча ходимлари зиммасига ўта масъулиятли, шу билан бирга, шафали вазифалар юклатилганидан далолат беради. Бинобарин, амнистияни қўллаш жараёнида қонунчилик талабларининг оғишмай бажарилиши устидан назорат таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга эришиш прокуратура органларининг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид асосий вазифалари муваффақиятли бажарилиши билан тўлиқ уйғунлашади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши орқали давлатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият саналиши, юртимизда олиб борилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятида инсонпарварлик тамойили устувор эканлиги яна бир бор намоён бўлмоқда.

Ташаккурномалар топширилди

Мустақил демократик тараққиётнинг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Прокуратура органларининг асосий вазифаси эса прокурорлик назорати орқали нафақат турли қонунбузарликларни аниқлаш, балки бундай қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳамда ўз вақтида уларнинг олдини олиш, яъни инсон ҳуқуқлари бузилгандан кейин эмас, балки бузилишининг олдини олиш ҳамдир. Ушбу мақсадда прокуратура органлари томонидан қонунлар тарғиб қилиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига роя қилиш руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари амалга оширилмоқда. Зеро, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг замирида, аввало, Ватанимиз ҳамда

халқимизнинг тинч ва осойишта яшashi, порлоқ келажағи ётибди. Ўз навбатида, "Мен Ўзбекистон фуқаросиман, шу юрт фарзандиман", деган ҳар бир шахс жаннатмакон юртда яшаётганидан фахр туйғусини ҳис қилиш билан бирга, Ватанига садоқат билан хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билиши, "Ўз уйингни ўзинг асра" дейилган қоидага доимо амал қилиши, зарур бўлиб қолганда уни турли хатарлардан ҳимоя қилиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ватани равақига камарбаста бўлаётган, хусусан, жамоат тартибини сақлашда, шунингдек, турли жиноятларинош этишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга керак бўлса жонидан кечиб

бўлса-да, ёрдам бераётган фуқароларимиз ҳам борки, уларнинг фидойиликлари муносиб тақдирланмоқда.

Бу борада 2015 йил 26 октябрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фаол иштирок этган фуқаролар ва юридик шахсларни рағбатлантириш тўғрисида"ги 123-сонли буйруғи қабул қилинган бўлиб, жорий йилнинг 30 март кунини Тошкент шаҳар прокуратурасида шундай фуқаролардан уч нафарини тақдирлашга бағишловчан тадбир бўлиб ўтди.

Улардан икки нафари — 1993 йилда туғилган Одилжон Хурсанов ва 1988 йилда таваллуд топган Мухаммадсодиқ Каримов фуқаролик бурчларини намунали бажариш билан бирга, жасорат кўрсатиб, оғир жиноятни ўз вақтида фош этиш ва жиноятчиларни қўлга олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам беришган. Маълум бўлишича, 2015 йил 19 декабрь кунини кечки пайт фуқаро И.Халилов жино-

Азиза ТУЙГҮН,

Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

ий шериги Р.Калимулин билан Чилонзор 11-маҳалласи, 17-уй, 15-хонадонга босқинчилик йўли билан кириб, хонадон бекасига эътибор ишлатишган ва унга тегишли бўлган тилла тақинчоқлар ҳамда пулларни олиб, қочмоқчи бўлишган. Хонадон эгаларининг ёрдамга қачирган овозларини эшитган О.Хурсанов ва М.Каримов жиноятчиларни ушлаш чораларини кўришган. Бироқ жиноятчилар қаршилик кўрсатиб, пичоқ билан уларга тан жароҳати етказишган. И.Халилов яқин атрофда хизмат вазифасини ўтаётган ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинган. Унинг жиноий шериги Р.Калимулин воқеа жойидан қочиб кетиб, яширилган.

Тадбир сўнггида юрт осойишталигига бефарқ бўлмай, фуқаролик бурчинини бажаришда алоҳида фидойилик кўрсатган фуқароларга ташаккурнома эълон қилинди.

Шерзод кирашқашлик қилиб юриб, машинасига ўтирган Мухайё билан танишиб қолди.

— Қарда ишлайсиз? — сўради ойнадан қизга қаракан.

— Банкада, — деди Мухайё бамайлихотир ёлғондан.

— Яхши-ку, танишганимдан хурсанман, — дея йигитнинг қиз билан сўхбати қизиб кетди. Бу орада қизнинг телефонини ҳам ёзиб олади.

«Банк ХОДИМИ»

Шухрат МАЛЛАЕВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси катта инспектори

Бир неча кун ўтиб Шерзод қизга кўнғироқ қилиб қолди.

— Мухайё, 300 доллар керак эди, давлат курсида банкдан олиб беролмайсизми?

Ўзининг ёлғонига ўзи дуч келган қиз аввалига тутақиб, сўнгра "Майли пулингизни олиб келаверинг", дея хотиржам гапни тугатди.

Шерзод Мухайёга 960 минг сўм олиб келди. Қиз пулни оларкан, "Тайёр бўлса айтаман", деди. Сўнгра шаҳардаги "қора бозор"га тушиб, ўздан кўшиб таниши Шухрат Инъомовдан 300 АҚШ доллари сотиб олди. Шерзод келгач:

— Яна банкдан ўз нарҳида пул олувчилар бўлса олиб келаверинг, — деди. Сўнгра Шерзодга режасини айтди, йигит эса уни маъқуллади. Унинг кирашқашлиги фойда бериб, тезда пулни АҚШ долларига айлантирмоқчи бўлганлар кўпайиб кетди.

Уларнинг тўрига дастлаб Илёс Облакулов тушди. Шерзоднинг "Банкада танишим бор, пулингизни долларга алмаштираман", деганига лаққа тушиб, 30 млн. 900 минг сўмни тутқазиб юборди. Пул эса жиноий шериклар ўртасида тақсимланди.

Кейингиси Жавлон Қосимов бўлди. Унинг ишонувчанлиги 19 млн. 250 минг сўмнинг фибрибарлар кўлига тушишига сабаб бўлди. Пул Шухрат Инъомовнинг ёрдами билан АҚШ долларига айлантирилди ва тақсимланиб кетди. Бир ҳафтадан сўнгра:

— Доллар кўтарилиб кетаяпти, агар пулингиз бўлса олиб келинг, — деди Жавлоннинг турмуш ўртоғи Дилфузага кўнғироқ қилган Мухайё. Эр-хотин ўзаро келишиб, яна 31 млн. 500 минг сўмни фибрибарга тутқазиди.

Иш "юришиб кетди". Тез орада улар фуқаролар — Барно Ибрагимовдан 3 млн. 150 минг сўм, Санжар Худойқуловдан 7 млн. 350 минг сўм, Феруза Исмоиловадан 18 млн. 500 минг сўм, Улғубек Ҳайитовдан 5 млн. 250 минг сўм, Озод Муҳаммадовдан 16 млн. 100 минг сўм, Отабек Хидировдан 8 млн. 50 минг сўм, Еркин Маматқуловдан 7 млн. сўм, Искандар Одиловдан 9 млн. 45 минг сўм пуллари олинишга улгуришди.

Алданганини сезиб қолган Илёс Облакулов пуллари қайтаришни талаб қилди. Шунда Шерзод ва Мухайё уни аврашга тушишди.

— Ҳозир банкага 9 млн. тўласак, бизга 40 минг доллар чиқариб беришади, шунинг учун машинангизни гаровга қўйиб пул олиб турайлик, — дейди. Ажабланирлики, шунча пулга тушиб ўтирган Илёс автомашинаси ҳам уларга тутқазиб юборди. Машинани олган фибрибарлар Яхшибой Озодовга учрашади.

— Шу машина сизники, ҳозир "срочно" 9 млн. 300 минг сўм керак бўлиб қолди қизнинг, — дейишди. Пулни олгач, Мухайё эртасига сўзасоғлигини ишга солиб, "Машинани бериб юборинг, пулингизни қайтараман", дейди.

Охир-оқибат фибрибарларнинг тузоғига илгинган фуқаролар бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилди. Шу тахлит турли қинғирликларни маромида бажарган фибрибарларнинг "фаолияти" ниҳоятга етди.

Суд Шерзод Абдуллаевни 7 йил, Мухайё Ёдгоровани 3 йил-у 6 ой мuddатга озодликдан маҳрум қилди. Уларга шериклик қилган Шухрат Инъомов эса энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдориде жаримага тортилди.

Нафс этагидан тутгач...

"Йигитга омад уч маротаба берилди", дейишади. Омадни ўз билими, ҳаракати, меҳнати билан қўлга киритиб, унинг этагидан маҳкам ушлаб юрган йигитлар кўплаб топилади. Бундайларнинг рўзғори бут, бири ҳамиша икки, иккиси тўрт бўлиб келади. Меҳнати ортидан келган омаднинг ша-рофати билан эл оламида юзи ҳам ёруғ...

Отабек ҳам омади келган йигитлардан эди. Нуфузли олий ўқув юртида ўқиб, мутахассислик дипломини қўлига олди. Нуфузли лавозимларда ишлади. Оилали, фарзандли бўлди. Аммо бир куни ... "Давринг келди..." деб, навбатдаги "омад"нинг баридан маҳкам ушламоқчи бўлди-ю, ушлагани нафс этаги бўлиб чиқди...

Отабек Сапаров илгари вилоят газначилик бошқармаси газначилик операцияларини назорат қилиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. Айни пайтда ишламайдди.

...Ушанда Отабек Яқобов туманидаги "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалигини тугатиш комиссиясида котиб вазифасида ишларди. 2013 йилнинг октябр ойида Одил Хидировга кўнғироқ қилиб, унинг номида бўлган фельдшер- акушерлик пункти биноси учун тўлови кам эканлигини айтди. Уни алдаб, туман марказидаги "Шодлик" дўкони олдиде 480 минг сўмга тенг миқордаги 200 АҚШ долларини олгач, ФАП биноси ҳужжат-

ларини берди.

2015 йилнинг 8 январь куни яна Отабекнинг феъли айниди. У яна Одил Хидировга кўнғироқ қилиб, Шахрисабз тумани марказий поликлиникаси ёнига 500 АҚШ доллари олиб келишини, номдаги ФАП биносини нотурар жойдан турар жойга "айлантириб бериши"ни айтиб, акс ҳолда вилоятдан бораётган текширувчилар бинони тортиб олади, дея алдаб, ундан 100 минг сўм пул ва бино ҳужжатларини олади. Ва О.Хидировни яна 400 АҚШ доллари "қарз" қилиб қўяди. 15 январь куни шу жойнинг ўзиде О.Хидировдан яна 200 минг сўм ва 200 АҚШ доллари олишга эришади.

Одил Хидировнинг қулоғи шу билан ҳам тинчимади. Орадан кўп ўтмай яна кўнғироқ бўлди. Отабек бу сафар янада дағалроқ муомала қилишга ўтди:

— Қолган юз долларни бермасангиз, нима, "иш"ни ёнимдан қиламанми?!

Икковлон Шахрисабздаги "Ара-

Маъруф ЛУТФУЛЛАЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Қашқадарё вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи
Ахтам ХУДАЙНАЗАРОВ,
Департаментининг Яққобов туман
бўлими бошлиғи

бон" бозори ёнида учрашишди. Аммо Отабек бу сафар мuddаосига етма олмади. О.Хидиров қолган пулни "иш"ни охирига етказганида беришини айтди...

Жиноят ишлари бўйича Шахрисабз туман судида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида Отабек Сапаровнинг маъзур жиноят иши кўрилди. Отабек айбига икромлик билдириб, Одил Хидировдан алдаб пул олганини ва уларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини тан олди. Унинг жиноят тўпланган бошқа бир қатор далиллар орқали ҳам ўз исботини топди.

Ҳукм ўқилди. Отабек Сапаровга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жазо тайинланди. Етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги қайд этилди.

Ха, Отабек Сапаровнинг омадли йигитлардан кам жойи йўқ эди. Аммо нафс этагини тутгач, омад ундан юз ўгирди...

Адашган Котиб

Фарайдун ШОДИЕВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Самарқанд шаҳар бўлими катта инспектори

Аёл — меҳрибон она, мунис ва мўтабар опа-сингли, вафолой ёр сифатида доимо эъзоз ва эътиборда, юксак эҳтиромда. Афсуски, гўзаллик, поклик, меҳр ва муҳаббат тимсоли бўлган бу мукаррам зотлар орасида баъзан ўз қадр-қиммати нафс йўлида қурбон қилувчилар ҳам учрамоқда. Арзимас моддий манфаат учун ўз шаънинида оёқости қилувчи бундай кимсалар аёл номига доғ туширмоқда.


Сартепе туризм ва маиший хизмат касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зарина Муродова меҳнат жамоасида ҳурмат-эътиборга эга эди. Педагогик жамоада фидойий ходим сифатида ўз ўрнини топган З.Муродова нафсини жиловлай олмай тўғри йўлдан адашди.

Коллежда 2015-2016 ўқув йили учун умумтаълим мактаблари битирувчиларини ўқишга қабул қилиш ишларини самарали йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган маслаҳат марказига етарли тажрибага эга ходим сифатида З.Муродова коллеж директорининг махсус бўйруғи билан масъул котиб этиб тайинланди. У зиммасига юкланган масъулиятли вазифани сидқидилдан, намунали тарзда бажаришдан кўра, ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни афзал билди...

Одатдаги иш тартиби бўйича давом этаётган қабул жараёнида фуқаро Зарина Шамсиева қайиниси А.Хуррамовни коллежнинг менежмент йўналишига ҳужжат топшириши учун масъул котибнинг ёнига олиб келади. Маслаҳат маркази масъул котиби эса қабул охирлаб қолганлигини таъкидлаб, бўш ўринлар камлигини айтди. Айни жараёнда моддий манфаат кўриш мақсадида ўзини ҳожатбарор қилиб кўрсатгач, Замирани хизмат хонасига бошлаб, коллеж директорига 200 АҚШ доллари бериш эвазига ишни осон ҳал қилиш мумкинлигини айтди.

Ҳожатбарор З.Шамсиевани ўз уйдирмаларига ишонтиргач, иш "хамирдан қил суғургандай" битишдан кўнгли тўқ бўлиб, учрашув кунини белгилашди ва А.Хуррамовнинг ҳужжатларини расмийлаштиради. Келишувга кўра, айтилган пулни З.Шамсиева ўз вақтида олиб кела олмайдди. Бир мuddат кечиккан Замирага Зарина Муродова вақт ўтганлигини пеш қилиб, энди иш 300 АҚШ доллари билан "пишишини" айтди. Коллеждаги қинғир ишлардан тоқати тоқ бўлган Замира Шамсиева ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда З.Шамсиевнинг шикоят аризаси асосида ўтказилган тезкор тадбир давомида Зарина бошлаган қинғир ишнинг қийғи чиқиб, ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Унга суд ҳукми билан қилмишига яраша жазо тайинланди.



Қинғир ишнинг қийғи...

Санжар ШАРАПОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Зарафшон шаҳар бўлим инспектори

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўплаб имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда ва буларнинг барчаси тадбиркорларимизни янада юксак марраларга руҳлантирмоқда.

Айни пайтда шуни унутмаслигимиз керакки, яратилган имкониятлар билан бир қаторда, қонунчилигимизда тадбиркорлар зиммасига баъзи бир мажбуриятлар ҳам юклатилган. Хусусан, ўз тадбиркорлик имкониятларини синаб кўрмоқчи бўлган фуқаролар энг аввало белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтишлари керак.

Аммо айрим "тадбиркор" бўламан, деганлар эса бунга панжа орасидан қарашмоқда. Жумладан, департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ва Қизилтепа туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Самарқанд вилояти Пахтачи тумани "Султонобод" ҚФЙда ашовҳар фуқаро Д.Эшқобилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2015 йил 9 октябрда Навоий шаҳар "Галаба" шох кўчаси 116-йўнинг олдиде фуқаро Т.Олимовга қўлбола усулда тайёрланган елим идишлардаги 180 дона "Coca-Cola" ва 18 дона "Fanta" ичимликларини 676,8 минг сўмга сотган вақтда ушланиб, махсулотлар ашёвий далил сифатида олинган.

Бундан ташқари, қўлбола усулда тайёрланган "Coca-Cola" ҳамда "Fanta" ичимликларининг ишлаб чиқариш манбасини аниқлаш мақсадида фуқаро Д.Эшқобиловнинг яшаш уйи кўздан кечирилганда, бу ердан қўлбола усулда тайёрланган 1,5 литр ҳажмдаги 110 дона елим идишларда "Coca-Cola" ичимлиги, 3 дона бўш елим идиш ва 5 дона ичимлигини қадоқлашга мўлжалланган полиэтилен қопламаси топилди.

Навоий синаов ва сертификатлаштириш маркази ҳамда вилоят ДСЭНМнинг хулосаларига кўра, ушбу махсулотлар давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги ва аҳоли истеъмоли учун яроқсизлиғи маълум бўлган.

Ушбу жиноят иши юзасидан ўтказилаётган суриштирув ҳаракатлари давомида фуқаро А.Қодиров ҳам "Coca-Cola" ва "Fanta" ичимликларини қўлбола усулда тайёрлаб, сотиш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланган.

Маъзур ҳолатлар юзасидан ЖҚИнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, қонунбузар "тадбиркор"ларга нисбатан суд ўзининг одилона ҳукмини эълон қилди.

Хусусий мулк — дахлсиз

Юртимизда хусусий мулк ва тadbиркорлик фаолияти ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган давр мобайнида бу борада қабул қилинган барча ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилиб, тadbиркорлар учун янада кенг имкониятлар эшиги очиб беришмоқда. Буларнинг барчаси эса, энг аввало, шу юрт равнақи ва халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилгандир.

Хусусий мулкнинг республика иқтисодиётидаги роли ва ўрни тубдан юксалтириш, хусусий мулк ва хусусий тadbиркорликнинг жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк улушини, шу жумладан, хорижий капитал иштирокида изчил ошириш мақсадини қўзғаш "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида хусусий мулкни, тadbиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2015 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам шулар жумласидандир.

Маълумки, мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 33 та қонунига ва 10 та кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, суднинг қарори асосидагина товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни мусодара қилиш механизми жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 27-моддасига ва "Давлат бож-

даволарни кўришда суд давогарнинг аризаси бўйича даввони таъминлаш чораларини кўриши шарт. Шу билан бирга, мазкур кодекснинг 125-моддасига киритилган қўшимчага биноан эса, давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топиш, мансабдор шахснинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишлар ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак.

Жиноят кодексининг 184-моддасига, Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта содир этган шахс солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижаларига кўра давлат солиқ хизмати органининг қарори олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пеня ҳамда бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Қонуний тadbиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Жиноят кодекси "Тadbиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар" деб номланган XIII-боб билан тўлдирди.

Тadbиркорлик субъектлари зиммасига қонунда назарда тутилмаган мажбуриятларни юзлаш ҳолларининг олдини олиш учун Жиноят кодексига янги 192^а-модда киритилди. Ушбу модда тadbиркорлик субъектларини пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ хайрия ишлари ва бошқа тadbиркорлик мажбуриятларига тажовуз қиладиган жиноий жавобгарлигини назарда тутди.

Жиноят кодексига янги киритилган 192^б-192^г-моддаларга мувофиқ тadbиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш тартибини бузганлик, тadbиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини ноқонуний тарзда тўхтатганлик, рўхсат бериш тартиб-тамойиллари ва лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик, имтиёзлар қўллашни

Фозилжон ТОИРОВ,
Учкўрғон туман прокурори

гайриқонуний равишда рад этганлик ёки имтиёзлар берилишига тўсқинлик қилганлик, ҳўжалик юритувчи субъектларга пул маблағлари берилишини асоссиз кечиктирганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Тadbиркорлик субъектларига тақдим этилган имтиёзлар (преференциялар) амалга оширилиши устидан назорат қилишнинг ягона механизми белгиланган мақсадида "Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонун 30^а-модда билан тўлдирди. Ушбу модда қонун ҳужжатларида берилган қафолатлар, имтиёзлар ва преференцияларни тўшунтириш, имтиёзларга эга тadbиркорлик субъектларини ҳисобга олиш, шунингдек, уларнинг қўлланлишини таъминлаш юзасидан давлат органларининг мажбурияти белгиланишини назарда тутди. Бундан ташқари, кичик тadbиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, қафолатлар ва ҳуқуқлар тadbиркорлик субъектларига улар ваколатли органлар ва ташкилотларга (солиқ, боғжона, статистика органлари, банклар ва ҳокказоларга) ёзма мурожаат қилмасалар ҳам тақдим этилиши белгиланган бўлиди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур қонун хусусий мулк, тadbиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги айрим тўсиқларни бартараф этиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг халқаро муносабатларнинг мустақил субъектига айланди. Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлини танлаб, барқарор ривожланиш йўлида ўзига хос ислохотларни амалга ошириб келмоқда.

Хеч қайси давлат бошқа давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширмасдан туриб, ривожлана олмаслиги барчага аён. Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан ташқи иқтисодий алоқалар ривожига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Халқаро муносабатларда ҳисоб-китобларни амалга оширишда мамлакатнинг валюта соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш қонунийлиги ўзига хос аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда валютага оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ва қонунсиз ҳужжатларни қабул қилинган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур қонун ички ҳўжалик обороти ва халқаро кредит-ҳисоб-китоб муносабатларида валюта операцияларини амалга ошириш принципларини, уни тартибга солиш ва валюта ресурсларини бошқаришда давлат идораларининг ваколатларини, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда хорижий давлатларнинг валюта бойлиқларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасаруф этишдаги ҳуқуқлари ва бурчларини, валютани назорат қилиш асосларини ва Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлигини белгиланган беради.

Валютани тартибга солиш ҳар бир давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодий самардорлик ва молиявий ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида мамлакатда миллий валюта операцияларини амалга оширишнинг принципларини, усуллари ва шаклларидан фойдаланилади.

Валютага оид муносабатлар

ва унинг ҳуқуқий асослари

Ҳар бир давлат валюта билан боғлиқ сиёсатини амалга оширишда валюта назоратини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солишчи давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколатлари доирасида: Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасининг ҳамда чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларининг муомаласи тартибини белгилайди; миллий валютани чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш механизмининг белгилайди; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда норезидентлар томонидан миллий валюталарга ҳамда резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ва уларни юритиш тартибини белгилайди; резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валюталарда чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилайди; Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида барча турдаги валюта операцияларини амалга оширади; чет эл валютасида операцияларини амалга ошириш учун банкларга лицензиялар беришнинг умумий қоидаларини белгилайди, бундай лицензияларни беради ва чакриб олади, шунингдек банклар фаолиятини назорат қиладиган тартибга солиб туради; валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун лицензиялаш тартибини белгилайди; жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари мuddатининг чегарасини белгилайди; кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун тўловларнинг мақбул суммалари микдорини белгилайди; чет эл валю-

таси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар билан операциялар ўтказиш тартибини белгилайди; капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди; ваколатли банклар реестрини юритади ва эълон қиладиган; ваколатли банклар учун очiq валюта мавқеи лимитларини белгилайди; қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ валюта операцияларини статистикасини тайёрлайди ва эълон қиладиган; чет эл валютасидаги тушунинг бир қисмининг резидентлар томонидан мажбурий тарзда сотишнинг микдори ва тартибини белгилайди; валютани тартибга солиш масалалари бўйича барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар қабул қиладиган, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги "Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиш кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан 1998 йил 1 апрелдан бошлаб республикадан ташқарига нақд хорижий валюта олиб чиқиш кетиш резидентларга — 2000 АҚШ доллари тенг микдорда белгиланган.

Ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий ислохотларини амалга ошириш жараёнида шу заминда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоясини таъминлаш масаласини биринчи ўринга қўяди. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги "Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, 2013 йил

Ҳасан ҲАЙИТОВ,
СВОЖХДЛҚ департаментининг
Пискент туман бўлими суриштирувчиси

1 февралдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — жисмоний шахсларга ваколатли банклар томонидан хорижий валютани халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш механизми жорий этилганлигини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги қарори билан "Ваколатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Ушбу Низомнинг 5-бобида "Резидентларга чет эл валютасини сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби" белгиланган бўлиб, Низом асосида резидентларга чет эл валютасини сотиш конверсион бўлимлар томонидан халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда валюта муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунлар ва қонунсиз ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирдан-бир қонуний тўлов воситаси бўлиш миллий валютанинг макомини янада мустаҳкамлаш, нақд хорижий валютанинг муомала доирасини тартибга солиш, жисмоний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни сўзсиз бажариш, шунингдек валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш механизмининг такомиллаштиришга қаратилгандир.


Сайловлар демократик ошкора ва руҳда ўтади

Дунёда бирор-бир давлатнинг тарққиётини ижтимоий институтларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, ушбу тузилмалар жамияттаги мувозанат ва барқарорликни таъминловчи муҳим омили саналади. Мамлакатимизда дунёнинг бошқа давлатларидан фарқлиқ ўлароқ, маҳалла институтининг давлат ва жамият бошқарувида тутган ўрни бекиёслар.

Маҳалла миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни асрлар оша авлоддан авлодга олиб ўтмоқда. У аздалан тинчлик-тотувлик, меҳр-муруват, ҳамжихатлик қўрғони ҳисобланган. Ана шундан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилди. Шунингдек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди.

Маълумки, сайловлар орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларига оид конституциявий ҳуқуқлари рўйбга чиқди. Шунинг учун ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлов асосида танлаш қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилди.

Жорий йилнинг 6 март кунин Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қарори маъбу-



Хабидулла ТУРГУНОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

отда эълон қилинди. Айни пайтда шу йилнинг май-июнь ойларига ўтказилиши белгиланган бу муҳим воқеани юксак уюшқорлик билан ташкил этишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бундан олдин ўтказилган сайловлар аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда талабчанликни кучайтиришда катта мактаб вазифасини ўтади. Демократик тамойиллар, ошкоралик ва ҳолислик, ўзаро ишонч ҳамда адолат мезонлари асосида бўлиб ўтадиган жорий йилги сайловларда Жиззах вилоятидаги 600 га яқин фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 1500 нафардан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш кўзда тутилган.

Айтиш лозимки, эндиликда битта фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакилларидан ташқари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг депутати ҳам киритилди. Эътиборлиси, фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилмайдилар. Бу эса уларнинг зиммасидаги масъулият нақадар залворли эканини аниқлатади.

Сайловни қонунга мувофиқ юксак ташкилий-ҳуқуқий ва демократик асосда ўтказиш ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ушбу ислохотлар натижасида бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Одамфурушлардан огоҳ бўлинг!...

Акмал АБДИЕВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи

Авало, бу даврда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилгани эътиборга лойиқдир. Дастлаб Жиноят кодексига илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди. 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга одам савдосидан жабрланганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш чораларини ҳам ўз ичига олди. Бу жараённинг мантикий давоми сифатида қабул қилинган Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан Республика Идоралараро комиссияси тузилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Одам савдосининг олдини олиш борасида жойларда 134 марта профилактика ва ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари ўтказилди, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланилди. Одамфурушликни касб қилган шахсларнинг жиноий фаолиятини фож этишга қаратилган тадбирлар натижа-

сиде 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Мустақил юртимизда ҳалол меҳнат қилиш учун фуқароларимиз қонун берган имкониятлардан унумли фойдаланаётган бир пайтда орамизда одам савдосини ўзига касб қилиб олган шахслар ҳам борлигини афсус билан таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Хусусан, одам савдосига қўл урган шахслардан бири — Б.Янгибоева (исм-фамилияси ўзгартирилган) фарзандини сотганили ҳақида департаментнинг Термиз шаҳар бўлимига тезкор маълумот келиб тушди. Тўпланган ҳужжатлар ўрганилганда, Б.Янгибоева вилоят перинатал марказининг қабул бўлимига келиб, бола туғилиши билан боғлиқ ҳужжатларни фуқаро З.Гулмированинг паспортидан фойдаланган ҳолда расмийлаштириб, дунёга келтирган фарзандини ушбу шахсга 2 миллион сўмга сотиб юборганлиги аниқланди.

Юқорида қайд этилган ҳолат бўйича фуқаро Б.Янгибоевага ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқ. Инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдида жавобгарлик муқаррардир.

Қонуний фаолиятга кенг йўл


Мамлакатимизда сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатларига асосан тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш ҳамда тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Соҳанинг ривожини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари янада такомиллашди. Амалга оширилган ишлар натижасида 160 дан ортиқ (ёки 44 фоизга) руҳсат берувчи таомиллар бекор қилинганлиги, тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига статистика, солиқ ва молия ҳисоботларини тақдим этиш шакллари ва даврийлиги қисқартирилганлиги ва берилмаётган бир қатор имтиёزلарнинг барчаси юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга яратиб берилмаётган қўлай имкониятлардан далолатдир.

Жорий йилда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини янада ошириш учун солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибининг соддалаштиришга катта эътибор қаратилди ва бу борада солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларига ўзгаришлари ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 31 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиеъсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодек-

сига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Солиқ кодексининг 39 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Солиқ кодексининг 114-моддаси 1-қисмига киритилган ўзгаришларга асосан, кириш қилинмаган товарлар учун қўлланиладиган молиявий жарима миқдори кириш қилинмаган товарлар суммасининг 20 фоизига камайтирилди, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно. Олдин ушбу молиявий жарима суммаси кириш қилинмаган товарлар суммасининг 100



фоизи миқдорига қўлланилар эди.

Шунингдек, Республикада ҳужжатлар айланмасига электрон ҳисобварақ-фактураларни кенг жорий этиш учун тегишли норматив-ҳуқуқий базани яратиш ва электрон ҳисобварақ-фактурани қозғодаги ҳисобварақ-фактурага тенглаштириш мақсадида, Солиқ кодексининг 222-моддасига тегишли қўшимча киритилди. Бунга асосан эндиликда "Ҳисобварақ-фактуралар қозғодаги шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида тузилиши мумкин".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Рес-

публикасининг 2016 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан солиқ қонунчилигига ва 2016 йил солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, 2016 йил 1 январдан бошлаб хизматлар соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини 5 фоизлик ставка бўйича тўлайдилар. Илгари ушбу ставка 6 фоизни ташкил қилар эди. Уларнинг солиқ юки саноат ва қурилиш корхоналариникига тенглаштирилди. Ягона солиқ тўлови ставкасининг пасайтирилиши тахминан 60 млрд. сўмини хизматлар кўрсатувчи кичик бизнес корхоналари тасарруфига қолдиришга имкон яратди, бу маблағлар корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар, яъни божхона брокерлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 2015 йилдаги солиқ ставкасига нисбатан 1 фоизли пунктга пасайтирилди ва 5 фоиз қилиб белгиланди.

Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи

Алишер ХОЛОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси бўлим
бошлиғи

шкаласидаги энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 5 бараваригача бўлган ставкаси 1 фоизга пасайтирилди. 2016 йил 1 январдан у 7,5 фоизни ташкил қилади. 2015 йилда ушбу ставка 8,5 фоизни ташкил қилар эди.

Умуман, жорий йилги солиқ ва бюджет сиеъсатининг асосий йўналишлари ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашга ҳамда солиқ маъмуричилигини такомиллаштиришга қаратилгандир. Энг муҳими, бошқичма-бошқича амалга оширилаётган ана шундай ислохотлар ва саъй-ҳаракатлар натижасида республикаимизда қўллаб кичик корхоналар вужудга келмоқда. Қишлоқ жойларда ҳам маъшиий хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар сонининг кўпайиши ҳисобига иш ўринлари яратилди, аҳолининг иш билан бандлиги таъминланмоқда.

/Давоми 11-бетда/

Ҳийлакор назоратчилар



Шоирахон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кам таъминланган оилаларга газ баллони бепул тарқатилаётгани ҳақидаги гаплдан сўнг туман газ идорасига отланди. Қўшниси газ баллонини олиш ниятида эканлигини билган Маликаҳон унга эргашди. Иккала аёл йўлга тушаркан, Шоирахоннинг икки-уч уй нарида яшайдиган аммаси Ойниса аяга дуч келишди.

— Йўл бўлсин? — дея Ойниса ая жиянига юзланди.

— Газ идорасида кам таъминланган оилаларга газ баллонини бепул тарқатилаётган экан. Шунини аниқлагани кетаяпмиз.

— Ундай бўлса, менинг газ тўловидан қарздорлигимни биллиб келсанг. Ўзининг фурсатим бўлмапти, — Ойниса ая шундай дея жиянига тўлов дафтаридаги маълумотни кўриб, шундан сўнг аёллар суҳбатга берилиб, йўлда давом эттишди.

“Жанубгазтаъминот” унитар корхонасининг “Шахрисабзтумангаз” филиалида Шоирахон дастлаб аммасининг илтимосини бажаришга қарор қилди. Абонент хизмати бўлимига кириб, ўша ерда ишлайдиган Шахло Нормўминовага учрашди ва аммасининг тўлов дафтаридаги маълумотни кўриб, шундан сўнг аёллар суҳбатга берилиб, йўлда давом эттишди.

— Аммангизнинг қарзи 1 миллион 100 минг сўм экан. Тўлайсизми?

— Йўғ-а, кейинроқ ўзлари тўлаб кетарлар, — Шоирахон ортга бурилди.

— Менга қаранг, опахон. Агар 500 минг сўм берсангиз, қарздорлигини ёпиб берадирим.

Шоирахон ортидан эргашиб чиқиб, шу сўзларни айтган Шахлога иккиланибгина тиқилди.

— Шунақаи, афсус, пул ёнимда эмасди-да. Агар уйга борсангиз, бериб юборардим, — деди соддалик билан.

— Албатта бораман. Телефон рақамингизни қолдиринг.

Сал нарида Маликаҳон газ баллонини қандай олиш мумкинлигини билмай, боши қотиб турарди. Шоирахон ва Шахлони бирга кўриб, уларга яқинлашди.

— Ҳа опахон, сиз нима юмуш билан келгансиз? — Шахло Маликаҳонни саволга тутди. — Тортинмай айтиверинг. Мен шу ерда ишлайман. Сизга ёрдам беришим мумкин.

— Текинга газ баллонини тарқатилаётган экан, шу масалада келгандим.

— Текингамас-у, сизга арзонроққа олиб беришим

мумкин.

— Шунақаи, менга 3 та газ баллонини керак эди. Қанчадан олиб берасиз?

— 30 минг сўмдан. Бўлади-ми?

Маликаҳон газ баллонларини бозордаги нархи билан қийслаб, Шахлонинг таклифига беихтиёр рози бўлди. Унга 3 та газ баллонини учун 90 минг сўм пулни бериб, қўшниси билан ортга қайтди.

— Аммажон, газдан роса қарздор экансиз-ку, — деди Шоирахон аммасига ҳисоб берааркан. — Мана сизнинг қарзингиз — 1 миллион 100 минг сўм. Агар 500 минг сўм берсангиз, қарзингизни ёпишардим. Бугун назоратчининг ўзи уйингизга келади. Манзил ва телефонини қолдирдим.

— Келса, сен билан боғланади. Яхшиси, мана бу пулни олгин-да, ўзинг тўлаб юбора-қол, — Ойниса ая шундай дея жиянига 500 минг сўм узатди.

Шахло Нормўминова ишдан чиқиб, Дўжи кишлоғига йўл олди. Манзилга етган, Шоирахонга қўнғироқ қилиб, келганлигини билдирди.

— Мана сизга аммангизнинг қарзи ҳисобидан 500 минг сўм. Фақат пулни олганлигингиз тўғрисида тилхат ҳам ёзиб берасиз. Ўзиз тушунасиз-ку энди. Бу аммангизнинг пули.

— Хижолат бўлманг, опахон, ёз десангиз ёзиб беравераман-да! — Шахло табассум қилиб пулни олганлигини тўғрисида тилхат ёзиб берди.

— Ҳа, айтганча, қарзи йўқ деган битта маълумотнома ҳам берасиз-да.

Шахло унга идорага борса, маълумотномани бериб юборишини айтиб, пулни олди-да, ортга қайтди.

Шахло ваъда қилганидек, Ойниса аянинг табиий газдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома тайёрлаб, Шоирахондан бериб юборди. Шу билан бу иш битиши мумкин эди. Аммо Ойниса аянинг қизи маълумотномани иш жойига кўрсатгани, Шахло Нормўминованинг найранглари фош бўлди.

Маълумотнома текшириб қўрилганда, Ойниса аянинг хонадонидаги қарздорлик асл ҳолича турган экан. Шоирахон Шахлодан нега бундай бўлганлигини суриштиргани, у елка қисишдан нарига ўтмади.

Шахло Нормўминова Ойниса аянинг газдан қарздорлигини ёпиш мақсадида олган пулларини аллақачон ўз эҳтиёжларига ишлатиб бўлган, шу билан бирга, газ баллонлари олиб бериш ваъдаси билан Маликаҳондан олган пулларни ҳам ўзлаштириб юборганди. Аёллар пулларини қайтариб олиш учун Шахлога бир неча бор учрашдилар. Аччиқ-аччиқ гаплар ҳам айтиб кўришди. Бироқ назоратчи қурак ваъдадан нарига ўтмасди.

Шахло Нормўминованинг қилмиши фақат шундан иборат эмасди. У бошқа ҳаммасилар билан сохта маълумотлар тайёрлаб, яна бир қанча кишиларни чўв таштирганди. Жумладан, ҳаммасил Шўҳрат Гиёсов билан жинойи тил бириктириб, Шахрисабз тумани “Пиллакашлик” маҳалласида

Музаффар ҲАСАНОВ,
Шахрисабз туман
прокурорининг ўринбосари

яшовчи Нодир Фозиловнинг табиий газдан қарздорлиги 1 миллион 177 минг сўмни ташкил этса-да, унга қарзи йўқлиги ҳақида сохта маълумотнома тайёрлаб беришди. Албатта, бекорга эмас. Н.Фозилов эса маълумотноманинг қалбаки эканлигини билгани ҳолда ундан фойдаланишга уринади.

Илҳом Эшонов ҳам бир муддат “Шахрисабзтумангаз” филиалида газ назоратчиси бўлиб ишлаганди. Шу сабабли Шахло Нормўминова билан яқиндан таниш эди. 2015 йилнинг 11 февраль кунини Илҳом филиал биноси ёнида тураркан, таниши Анварни учратиб қолди. Ўша пайтда Анвар отасининг табиий газдан 800 минг сўм микдордаги қарзини қонуний тўлаш ўрнига “амаллаб ёпиш” илжинида юрарди. Илҳомдан шу масалада ёрдам беришини сўрагани, таниши илтимосини ерда қолдирмади. Ичкарига олиб кириб, Шахлога рўбарў қилди. Шахло собиқ ҳаммасининг “юзидан ўта олмай” Анварга “табиий газдан қарзи йўқ”, деган сохта маълумотномани бир сумда тайёрлаб берди. Анвар бунинг эвазига Шахлога 50 минг сўм пул тўқазди...

Жиноят ишлари бўйича Шахрисабз туман суди томонидан найрангбоз газ таъминоти ходимларига нисбатан адолатли ҳукм чиқарилди.

— Акахон, “Нексия” нгизга ёмон баҳо бермадим. Барака, денг! Ўрнига битта янгисини салонаан олиб бераман! Берингизми? Ҳа, майли, мендан кетса кетибди, бор барака, олти яримга...

«Суперфирибгар»



Икромжон НУРМАТОВ,
Наманган шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Харидор йигит Олимнинг сўзамоллиги “Нексия” эгасининг қулфи дилини очиб юбориб, “барака” деб юборганини билмай қолди. Кўнглидан эса: “Бу йигитнинг хушзабонлигини айтмайсизми? Тилидан бол томади-я...”, — деган ўй ўтди.

— Энди, Нўзмонжон ака, айбга буюрмайсиз, машинанинг ранги қанақа бўлсин? Яна... “люкс” иданми ё “простой” иданми?

— Ҳа, энди... Ука, химматни ўзингизга берсин. Сиз туфайли мойи артилган машинали бўлиб олсам, умримнинг охиригача дуо қилиб юрарман!

— Бўпти... Ундай бўлса келишдик! Бу машинангиз 6500 долларга баҳо бўлди. Янгисини олиб келганимда, пулнинг “разница” сини бераверасиз...

— Кечикиб кетмайдими ишқилиб?

— Ие, бу нима деганингиз? Йигитга гап битта бўлади!

Олим бу савдондан хурсанд эди. “Бу дунёда қандай содда инсонлар бор-а!” деган ўй миёсида чарх ураркан, ўз-ўзини мақтаб қўйди: — Қандингиз ур, Олимтой, қандингиз ур!

Фирибгар йигит Нўзмонжон аканинг “Нексия” сини бошқа бировга пуллаб, айшини суриб юрарверди. Бироқ “текин берабака бўлади”, деганларича бор экан, ҳаш-паш демай Олимнинг чўнтаги “юқлашди”. Ана шунда у иккинчи марта жиноят кўчасига кирди. Мухтор Боймуродов автомашинасини сотмоқчилиги, аммо жуда қиммат нарх сўраётганини эшитиб, “пайтавасига курт тушди”: “Бундай кишилар сал ҳаётироқ бўладилар. Уларни алдаш осон”, дея лаблари тамшанди Олимнинг.

Чиндан ҳам Мухторжон билан келишув “хамирдан қил суғургандек” осон битди. Унга кўра, Олим автомашина учун 27 минг 500 АҚШ долларини берадиган бўлди. Фақат ҳозир эмас, уч йил давомида...

Ана шу шарт билан машинани кўлга киритган фирибгар уни бошқа кишига 12 минг 200 АҚШ долларига сотиб юборди. Пулларни эса ўз манфаатлари йўлида совурди.

Умуман олганда, Олим Мухторов яна тўққиз нафар фуқаронинг автомобили савдосида “иштирок” этиб, уларнинг бошига ташвиш солибди. Ниҳоят, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари “суперфирибгар” нинг қилмишларига чек қўйдилар. У суд ҳукми билан тўққиз йил-у етти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ўғирланган кўёв

Эркин СУЛТОНОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта
прокурори

қаршилик ҳам қилмади.

Бу ёқда онаси ўғлининг бегона машинага ўтирганини кўрганди. Машина катта тезликда, йўлни чангитганча гойиб бўлганидан бироз шубҳага борди. Кўнгли ниманидир сезгандек, хавотирлана бошлади. Анча вақт ўтиб, унинг телефонида “Ая, мен икки кундан кейин қайтаман”, деган хабар келди. “Ие, бу бола нима деяпти, ахир тўй нима бўлади?!” Онанинг хавотирини янада ошди. Тўй ташвишлари билан юрган ота-она нима қилишни билмай қолди. Қўшилар, қариндош-уруғ йиғилди. “Бу ерда бир гап бор, зудлик билан ички ишларга хабар бериш керак”, деди кимдир. “Тўғри-тўғри, ахир тўйи бўлаётган йигит хе йўқ, бе йўқ, икки кундан кейин келаман, деб хабар жўнатмайдими-ку”, унинг гапини маъқуллашди бошқалар.

Шундан сўнг Бекмуроднинг ота-онаси тезда туман ИИБга бориб, воқеа юзасидан мурожаат қилишди. Тезкор ходимлар зудлик билан ишга киришди. Сўраб-суриштириш бошланди. Кўёв ўриларининг қилмиги, айни дамда қерда эканлиги маълум бўлди.

— Сен бола эсингни едингми, ақли бор одам ҳам ҳеч замонда шунчака иш қиладими? — деди бўлган ишдан хангу манг бўлиб қолган Нодирнинг отаси унга қўнғироқ қиларкан. — Зудлик билан Бекмуродни олиб уйга қайтинглар...

Нодирнинг кўёвни ўғирлаб, тўйни тўхта-тиш режаси амалга ошмади. Улар шаҳардан тўғри туман ИИБга келишга мажбур бўлди.

Қиз бола бирор ўйинчоқмидики, уни бировдан тортиб олса. Бироқ, Нодирнинг қўзи кеч очилди. Одам ўғирлаб қандай жиноятга қўл урганини кейин тушуниб етди, аммо энди кеч эди...

Суд ҳукми билан Нодир Абдуҳамидовга 3 йил-у 6 ойга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ҳабибулла Абдуҳамидов ва Аббос Ибрагимовлар эса 3 йилга озодликдан маҳрум этилди.

“Муҳаббат кўпинча ақли кишининг ақлини олади ва қимда ақл йўқ бўлса, унга ақл беради”, деган экан доғишманлардан бири. Нодир неча йиллардан бери бир қизни яхши кўрарди. Аммо унга етишолмади. Севган қизи унаштирилгач, ҳаловати йўқолди. “Қандай қилиб бўлмасин тўйни тўхта-тиш керак, аммо қандай қилиб?...”

Унинг хаёлида тинимсиз айланган бу саволга жавоб топилди. Хаёлида тузилган ҳар хил режалар пишиб етилди. Ниҳоят, эртага тўй деган кунини куёвни ўғирлаб кетишга қарор қилди. Бироқ, режани бир ўзи амалга оширишга қўзи етмади. Ўйлаб кўриб, акасининг ўғли Ҳабибулла ва холавачаси Аббосларга режасини айтди. Ҳали вояга етмаган, оқни қорадан ажратолмайдиган бу йигитчалар “кўёв ўғирлаш операцияси” га ҳеч бир қаршиликсиз рози бўлишди. Режа бўйича кўёв боланинг уйи яқинидаги бурилча Аббос ва Ҳабибулла Нодирни пойлаб турадиган бўлишди. Нодир эса кўёв тўра Бекмуродга телефон қилиб:

— Тўйинг билан табриклагани келгандим, жўра, кўчага чиқсанми? — деди асл ниятини ашириб.

Бекмурод ҳовлидан кўчага чиқди. Уни кўтиб турган Нодир “Кел, машинада гаплашиб олайлик”, — деди. Унинг режасидан бехабар Бекмурод машинага ўтирди ҳамки Нодир машинанинг газини босди. Унинг бу қилигига ҳайрон бўлган Бекмурод:

— Қаёққа олиб кетаяпсан, тўхтаб машинангни, — деди жахли чиқиб.

Нодир эса унинг гапларига парво қилмади. Машинани кўча бурилишида пойлаб турган шериклари ёнида тўхта-тишди. Зудлик билан ўзларини эшикка урган икковлон Бекмуроднинг икки ёнидан ўтириб, унинг қўлларини маҳкам ушлашди.

Бекмурод қанча қаршилик қилмасин, йигитларга кучи етмади. Ҳадеганда тинчланавермагач, Нодир машинасида бўлган пичоқни олиб дағдаға қилди:

— Жим, овозингни чиқарма, акс ҳолда... Пичоқни кўриб Бекмуроднинг ҳуши учди,

Жиноят содир этган пайтда спирити ичимлик истеъмол қилган кимсаларнинг аксарияти ўша вақтда маст бўлгани боис, ўзини бошқаролмай қолганини айтиб, айбни ичкиликка агааради.

Тажовуз

Искандар САИДҚУЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма
катта прокурори

Ваҳоланки, ҳеч ким уни бунга мажбур қилмайди. Бу ишни ҳар ким ўз хоҳиши билан, ўз ихтиёри билан амалга оширади. Айриқлар овқат олдидан "иш-таҳа учун", дея озгинасига қаноат қилишса, баъзилар пайтда ширани ҳам кўрдим демайди-ю, сал ўтмай оёғида туролмай, ўтган-кетганинг нафақат кулгусига, балки нафратига ҳам учрайди. Гоҳида эса ақл-ҳушидан айрилиб, ўта оғир жиноятга қўл урганини ҳам билмай қолади.


1981 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган Жонибой Қимсанов(исм-фамилиялар ўзгартирилган) икки марта суднинг қора курсисига ўтирган. Кейинчалик автохаёлликка учради. Жиддий ҳақорат олиб, даволанди. Оёққа турғач, боши оғришини баҳона қилиб, ичкиликка ружу қўйди. Айнан шу одат эса охириқабат олдидангиларидан-да оғирроқ, мудҳиш жиноят содир этишига олиб келди.

Ўша кунни жиянидан ҳабар олгани акасининг уйига борган эди. Ичкарида келиноибсининг отаси ҳам бор экан. Бироз суҳбатлашиб ўтиришгач, қудабува ичинини тақлиф қилган эди, у рози бўлди. Кўп ўтмай икковлон ширани бўшатишди. Жонибой шөригига нисбатан тезда маст бўлиб қолди. Коронгу тушгандан кейин мезбонлар билан хайрлашиб, ташқарига йўналди.

У йўлдан кўчага энди чиққан эди, қоқилиб кетди. Ўзини ўнглаб олар-олмас. "Хурманчагга сиққанича инсанг бўлмайди. Подъездимиз ҳам "алкаш"ларга тўлиб кетмоқда-я!", деган овоз эшитилди. Қараса, бир кампир унга қўлини паҳса қилиб, мингирлаганча ўзи хозиргина чиқиб келган подъездга кириб кетаяпти. Жаҳли чикди. Қандай қилиб у томон юрганини, етиб олгач, беллига тепганини эслаб ўлмайди. Кампир йиқилгандан кейин ичкарига судраб кирди ва... унинг ёши улуглиги, онаси қатори эканлигини ҳам хаёлига келтирмай, чанг солди...

Дўч келган жойига аямай алампидан чиққунча уриб-тепди. Чарчади. Гандираклаганча йўлга тушди. Турғи синглисининг уйига кириб борди. Ювиниш хонасига кириб, қонюқи бўлган кийимларини ювди. Шундагина воқеа жойида устидаги кийимини унутиб қолдиргани ёдига тушди-ю, у ерга боришга юраги дов бермади...

Ушбу жиноят кўп ўтмай очилди. Суд Жонибой Қимсановни ЖКнинг бир неча моддалари билан айбдор деб топди ва унга озил-кесил 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.



Тўйхонада тўй давом эта-япти. Хонанда авж пардада қўшиқ куйлаяпти. Йигит-қизлар ўйинга тушишяпти.

— Гапни гапга қовуштирадиган нарсанг қани, — дейди меҳмонлардан бири хизмат қилаётган йигитга.

— Нима дедингиз?

— Ароқ, ароқ қани?

— Хожи ака спиртли

ичимлик қўйилмайди, деган.

— Шуям тўй бўлди-ю...

— Яхши бўпти, — деди рўпарада ўтирган ўрта яшар йигит. — Ичкилик яхшиликка олиб бормайди. Ўзимдан қиёс. Кетини-кетига улаб ичганман. Қунора улфатчилик, ҳатто бошогригига эрталаб ҳам юзта отиб олардим. Туппа-тузук ишимдан қолдим.

Оғзимдан гупиллаб хиди уфурганда бошлигимиз паттамини қўлимга берди. Аламга яна ичавердим. Сарик касал бўлиб шифохонада даволаниб чиқдим. Врач олти ой парҳез буюрди. Ичкиликни бас қилишни тайинлади. Шу баҳона бутунлай ичмай қўйдим. Беш йил бўляпти, яқинига йўламайман. Савдотик билан шуғуллана бошладим. Ишим гуриллаб юришиб кетди. Ичиб юрганимда бирим икки бўлмаган. Шурки, ҳозир тагимда машина, уйланган тўнғич ўғлимга ҳовли-жой сотиб олди. Ичмай қўйганимда одамгарчиликдан чиқибсан, деган яқин оғайним ичкилик туфайли оиласи билан ажрашди, ўғил-қизлари билан юзқўрмас бўлиб кетди.

— Жиндай-жиндай отиб туришининг зарари йўқ.

— Бекор гап, оз-оздан бошланиб, кўпайиб кетгани билмай қолсан, бари бало-қазо ичкиликбозликдан келиб чиқади, — деди ёнбошида ўтирган отахон. — Жияним мастлигида хотинини калтаклаб майиб-мажруҳ қилиб қўйди. Яхшики ўлмади, шифокорлар асраб қолишди.

Дарвоқе, маиший турдаги жиноятларнинг аксари ичкиликбозлик оқибатида содир этилади. Бунга қўйидаги жиноят ишини мисол қилиб келтириш ўринли.

Яйпанлик Иром Холхўжаев (исм-фамилиялар ўзгар-

Дарди бедаво



Ахроржон ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

тирилди) қирқ ёшга киргунча беш маротаба судланган. Йигирма уч ёшида олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Мурувват кўрсатилиб, амнистия актига биноан озодликдан маҳрум этиш жазосининг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган. Бироқ, тавба қилмаган экан. Оиласи, икки нафар вояга етмаган фарзандларининг таъминоти, келажаги ҳақида қайғурмасдан тақдор ва тақдор жиноятга қўл ураверган. Бундан кейин содир этган жиноятлари учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини ўтаб келган. Ўтган йилнинг январь ойида сўнги ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаб бўлган.

И.Холхўжаев бирон жойда ёлчичиб ишламасдан яна ичкиликка ружу қўйди. Эрталаб-даноқ спиртли ичимлик истеъмол қилиб, Яйпан шаҳарчаси марказида тентираб юриши одат тусига қиради. Ўзига ўхшаган улфатлари билан қарта уйнаб туради. Унда ютган "ютуғи"ни ичкиликбозликка сарфлайди. Бу шахс шаҳарча марказидаги ароқ дўконлари-ю ошхоналарда отнинг қашқаси бўлиб қолади.

Ўтган йил саккизинчи сентябрь кун соат ўн иккиларда истироҳат боғи бикинидаги сомсахонага кайфи тароқ ҳолда кириб борди. Қўлида яримлаган шира билан тандир ёнидаги курсига ўтира-

ди. Сомса буюрай деса, чўнтаги куруқ. Шу пайт сомсахонага уқаси тенги Фанижон Жўраев кирди. Узокдан Икромга кўзи тушиб, ёнига берди. Иккови кучоқлашиб кўришишди. Шишада қолган ароқни ичиб тугатишди. Кайфлари ошиб, тортишиб қолишди. Икром сомсахонада ўтирган хўрандаларни назар-писанд қилмай болахо-надор сўкинаверди. Иккаласи ўрнидан туриб бир-бирини ҳақоратлашда давом этди. Сомсапаз уларни тинчатишга уринди. Икром Фанижоннинг ёқасини чангаллаб кўчага судради. Бир-бирини ҳақорат қилаётганларни ажратиб қўймоқчи бўлганларга пичоқ ўқталди. Сўнгра пичоқни Фанижоннинг кўксига, нақ юрагига санчди.

— Бу ерда жанжал қилманглар, бошқаларга халақит қилясизлар, деб уларни ажратиб, сомсахонадан чиқариб юбордим, — деди гувоҳ, сомсапаз Д.Зоиров.— Икки-уч дақиқа ўтиб, пичоқ тикиб олди, сўйиб қўйди, деган бақир-чақирларни эшитиб, нима бўлдийкин, деб ташқарига чиқиб қарасам, Фанижон чалқанча ётибди, қўйлагининг чап кўкрак тарафи қон, тепасида Икром пичоқ билан турбиди.

— Икром кўпинча маст

юрарди, — деди гувоҳ, истироҳат боғи қаршисидаги бошқа ошхонанинг эгаси С.Аюбов. — Маст юришга кўниқиб қолиб унга эйтибор бермай қўйгандим. Бизнинг ошхонамизга ҳам кириб тамадди қилиб турарди. Қўлидан шира тушмасди. Доим ёнида пичоқ бўларди. Ўша кунни тушлик пайти ёнимиздаги сомсахонага шира билан кириб кетаётганини кўрдим. Эйтибор бермай, ўзимни ишимни қилавердим. Бир соатча ўтиб кўчада тўполон бошланди. Деразадан қарасам, битта йигит ерда чўзилиб ётибди. Икромнинг қўлида қонюқи пичоқ, атрофини одамлар ўраган. Ташқарига югурдим. Енимизда қурилаётган тўйхонанинг бошқарувчиси қўлида стул билан пўпаса қиялпти. "Икром ака пичоқни ташланг", деппти. Мен ҳам пичоқни ташла, дедим. Икром пичоқни отиб юбориб, оломон ичидан чиқиб кетаётганда уч-тўртта йигитлар ушлаб, қўлини қайиришди, қайтариб олиб келишди. Ерда ётган йигитни "Москвич" русумли машинага ётқизиб, шифохонага олиб кетишди...

Бироқ шифохонага етиб бормасдан йўлда Ф.Жўраевнинг жони узилди.

Қотил қай йўсинда бўлмасин, айбини хаспўшлашга уриниб, уни сўқиниб, ҳақорат қилгани учун пичоқ санчиб қўйганини ваҳ қилиб кўрсатади. Аслида, сомсапаз ва бошқа гувоҳларнинг сўзларига кўра, И.Холхўжаев Ф.Жўраевга яна ароқ келтиришни буюради. Йигитнинг, "Етар, кайфингиз ошди қол-қол", деган гапига жаҳли чиқиб, уни сўқиб ҳақорат қилди. Ҳақоратига яраша жавоб қайтарган Ф.Жўраевнинг жонига қасд қилади. Суд муқаддам содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш, ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини ўтаб, тузалиш йўлига кирмаган, дарди бедавога айланган, тақдоран ўта оғир жиноятга қўл уриб, ёш йигитнинг ҳаётига зомин бўлган И.Холхўжаевга 22 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Ўрганган кўнги...

Музаффар МАМАТМУРАТОВ,
Бош прокуратура ОУК тинловчиси

кимса сездирмай ҳовлига кирди. У ёқ, бу ёқни кўздан кечиргач, бир четда турган газ баллонини кўтариб, изига қайтди. Кўп ўтмай баҳоси 115 минг сўмлик баллонни нотаниш одамга 80 минг сўмга сотиб юборди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, маҳалласидаги бир хонадонни мўлжалга олган Шерали кеч киришини пойлади. Ярим тунда ичкарига киргач, ошхонада турган қопларни очиб кўрди. Макка дони экан. "Таваккал", деди-ю, олти қоп донни бирма-бир кўтариб, ташқарига олиб чиқди. Уй эгаси эса 420 минг сўмлик 300 килограмм маҳсулотдан айрилиб қолди.

Икки кундан сўнг ҳамма ухлаган маҳалда яна бир маҳалладошининг ҳовлисига кирган Шерали бу ердан ҳам куруқ қайтмади. Учта қопдаги 210 минг сўмлик 150 килограмм макка дони кўп ўтмай Шерали томонидан ўғирланиб, олиб кетилди.

Жиноят ишлари бўйича Денов туман суди бир марта "оғзи қуйса-да", бунга парво

қилмай, яна ўғирликка қўл урган Ш.Қосимовга 6 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.



Қонуний фаолиятга кенг йўл

/Давоми. Бошланиши 8-бетда/

Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромавларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ҳам хуфийна иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган бир қатор тадбирлар доирасида қонуний асосда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, ноқонуний равишда яширин ишлаб чиқариш билан машғул бўлган шахслар фаолиятига барҳам бериш, агарда қонун билан тақиқланмаган фаолият билан шуғулланаётган бўлса, ҳуқуқий таъсир чораларини қўриш билан чекланиб қолмасдан, уларга соҳага оид қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниргани ҳолда солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, стандарт талабларига мос ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, имкон даражасида фаолиятини янада кенгайтириши, қўшимча иш ўринлари яратиши учун тегишли чоралар кўришмоқда. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган ойи давомида 265 та тадбиркорлик субъек-

тига ҳуқуқий, амалий ёрдам кўрсатилиб, 344 та янги иш ўрни яратилди.

Масалан, департаментнинг Чиноз туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида фуқаро Курбон Ҳасановнинг ноқонуний фаолиятига қонуний тус берилди. Эндиликда бу шахс мебель ҳижозларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган оилавий корхона фаолиятини бошлади. Тадбиркор ва ишбилармонлар учун мустаҳкам қонуний негиз ҳамда талай энгилликлар берилаётганлигини тушуниб етган Курбон Ҳасанов фаолиятини янада кенгайтириши ва хорихдан илғор технологиялар келтириш, бунинг учун имтиёзли асосларда банкдан кредитлар олишни режалаштирмоқда.

Фуқаро Сардор Абдурахмонов бизнес фаолиятидаги қонун-қоидаларни дастлаб тўғри тушуниб етмади. Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ўрнига, ноқонуний равишда цех ташкил қилиб, бу ерда кийим-кечак тикиш ва уларнинг сотуви билан шуғулланиб келган. Департаментнинг Зангиота туман бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбир унинг ноқонуний фаолиятига чек қўйди. Терговол-

ди текширувлари жараёнида ҳуқуқбузарнинг ноқонуний қилмиши ижтимоий хафси катта бўлмаганлиги, у қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги инобатга олинади, қолаверса, келгусида қонуний тартибда ишлаш истагини билдиргани учун департаментнинг Зангиота туман бўлими томонидан жиноят иши қўзғатиш рад этилиб, унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Яширин цех ўрнига масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Қонуний фаолият кўрсатиб, даромад топиш қанчалик афзаллигини тушуниб етган Сардор Абдурахмонов айни пайтда аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш ниятида.

Бугун мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай имтиёзлар берилиши тадбиркорлик субъектларининг янгидан-янги ташаббусига, юқори технологияларга асосланган замонавий маҳсулотлар яратишга туртки бўлаёпти. Жорий йилдаги тадбиркорликни ривожлантиришга оид қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар эса уларнинг даромади янада ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Гулистонда маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига "Электрон ҳўкумат" тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тезкор ва қулай

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда парламент қўйи палатаси депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви идоралари масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

— Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳўкумат тўғрисида"ги Қонуни давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишини мустаҳкамлашнинг қўшимча механизмларини яратишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Баҳодир Хидиров. — Мазкур ҳўжат ижроси доирасида электрон ҳўкумат тизимини шакллантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишининг электрон шакллари жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича вилоятда учта йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган бўлса, жорий йилда 20 та ана шундай лойиҳани амалга ошириш белги-ланган. "Электрон ҳўкумат" тизими доирасида бир нечта ахборот ва маълумотлар базаси, 4 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

"Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳўкумат тўғрисида"ги Қонунининг асосий қоидалари", "Электрон ҳўкумат" жорий қилиш ва ривожлантиришда Сирдарё вилоятидаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифалари", "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш марказлари фаолиятининг ташкил этилиши "Электрон ҳўкумат" тизимини ривожлантиришда муҳим қадам" мавзуларида маърузалар тингланди.

ЎЗА

Реклама (эълон)



AGROBANK

Мамлакатимиз молия-банк тизимида олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотлар халқимиз турмуш шарт-шароитларини юксалтириш, иқтисодиётимизни янада тараққий эттириш ва албатта, обод ва фаровон ҳаётни бунёд этишгаги эзгу сазй-ҳаракатларда тўла номаён бўлаёпти.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тижорат банклари ишбилармон-тадбиркору фермер-деҳқонларимизнинг ишончли ҳамкори ва таянчига айлиниб улгурди. Аҳолига қўлайлик ва имтиёзлар яратиш бора-сида молия муассасалари томонидан турли замонавий банк хизматлари жорий қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётганлиги бу борада олиб борилаётган амалий ишларнинг самарадорлигини таъминламоқда.


Айни шу жараёнда Республика "Агробанк" АТБнинг Жиззах вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан олиб борилаётган ишларга назар ташласак, бу борадаги амалий натижалар янада ойдинлашади. Банкнинг вилоят бошқармаси томонидан 2016 йил 1 апрель ҳолатига жами 70631 млн. сўм, кичик ҳозилга субъектларига 13402 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида вилоятнинг олис ҳудудларида ҳам замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, маийий хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқа турли тадбиркорлик субъектлари иш фаолиятини йўлга қўйиб, аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади. Шунингдек, оилавий, аёл ва ёш тадбиркорларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини молиялаштириш орқали ҳам жойларда янги иш ўринлари ҳам яратилди.

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида устувор ишлар

Ислохотлар тараққийётга хизмат қилади



амалга оширилмоқда. Бунинг замирида Муҳтарам Юртбошимизнинг оқилона сиёсати ва биз, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилган қарор ва фармонлари муҳим аҳамият касб этаётди, — дейди "Дони Макс" хусусий корхонаси раҳбари Алиқул Шаимкулов. — Айниқса, тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш натижасида юртимизда мулкдорлар сони кескин ошмоқда. Мен ҳам оиламнинг, фарзандларимнинг бекаму кўст улгайишини ўйлаб тадбиркорликнинг этагидан тутдим. Тўғри, тадбиркорликни бошлаш масъулиятли. Мана шу масъулиятни зиммасига олган ишбилармонлар асло ҳам бўлаётгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун "Агробанк"нинг Зомин филиалига молияий қўмак сўраб бордик. Банк томонидан миқозларга кўрсатилаётган кредит хизматлари билан танишдик. Натижада бизнес лойиҳамга асосан мазкур банкдан аҳолининг қурилиш молларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва "шлакблок" ишлаб чиқариш учун ошмаё сотиб олиш учун 100 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Ана шу маблағ туфайли ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Қолаверса, аҳоли бандлиги учун иккита янги иш ўрни ҳам яратдик. Ҳозирда корхонамиз аҳолига қурилиш маҳсулотларини етказиб бермоқда.



— Ҳаётимиз кундан-кунга тўқин ва фаровон бўлиб бормоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда халқимизга муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш йўлидаги улкан ислохотларда намоён бўлмоқда, — дейди "Огабек Авазбек" фермер ҳўжалиги раҳбари Шерали Раҳмонов. — Ана шу сазй-ҳаракатларда деҳқон-фермерларимиз ҳам муносиб иштирок этаёпти. Албатта, булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик ва молияий қўмак эришилаётган ютуқларимизда ўз аксини топмоқда. Шу

сабабли ҳам деҳқон-фермерларимиз улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида кўпгина бизнес режалар устида иш олиб бордик. Аҳолининг гўшт ва сўт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун насли чорва моллари сотиб олишга қарор қилдик. Бу борада доимий ҳамкоримиз "Агробанк"нинг Жиззах филиали яқин қўмакчи бўлди. Ушбу банкдан лойиҳамизга асосан 210 миллион сўм кредит маблағи олиб, ишни бошладик ва қўшимча 6 иш ўрни яратишга ҳам эришдик.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, молия муассасаларида томонидан ишбилармон-тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга татбиқ этиш натижасида юртимизда асрий бунёдкорликлар олиб боришмоқда. Албатта, "Агробанк" АТБ жамоаси ҳам юртимизнинг обод ва фаровон бўлишида тинимсиз изланишлар олиб бораёпти. □

Хайрулла ХОЛТўРАЕВ,
банк мазбуот хизмати ходими
Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Аҳмедова падари бузруквори Намнх АХМЕДОВ нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖДЛҚК департаменти жамоаси Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи Агзам Мардиевга падари бузруквори Ҳамдам отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихсоз қилади.
Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори Захра Пириевага синглиси Севил ПИРИЕВА нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муборак бўлсин!



40 йилдан ортиқ вақт мобайнида прокуратура тизимида турли лавозимларда хизмат қилиб, қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Светлана Истоминина табарруқ 80 ёшни қарши олмақда.

сида бўлим ва бошқарма прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

У ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги, иزلанувчанлиги, адолатпарварлиги ва ташаббускорлиги туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Камтарлиги, фидойилиги,

самимийлиги ва хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

Светлана Истоминанинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Светлана Александровна, таваллуд айёмингиз кутлуг бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

У меҳнат фаолияти давомида Самарқанд шаҳар прокуратурасида терговчи, Самарқанд вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Тошкент шаҳар прокуратурасида катта терговчи, прокурор ёрдамчиси, бўлим прокурори, Яккасарой, Чилонзор ва Сергели туман прокуратураларида терговчи, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-

Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтида Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Соҳибқирон меросини ўрганиб

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, тарихчи олимлар, шоир ва ёзувчилар, ёш тадқиқотчилар иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, Соҳибқирон номи билан боғлиқ тарихий-маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, обод этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Н.Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар ушбу жараёнда аниқланган янги маълумотлар, олиб борилган тадқиқотлар натижалари ҳақида сўз юритди. Соҳибқирон ва темурийлар томонидан юритилган давлатчилик сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, бунёдкорлик ва илм-фан, маданият ҳомийси сифатида амалга оширган ишларига оид маърузалар тингланди.

— Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк маънавият соҳиби ва давлат арбоби сифатида амалга оширган ишлари ҳақида ўз даврида ва ундан кейин ҳам кўплаб тарихий асарлар яратилган, — дейди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти профессори Усмон Санақулов. — Яқинда Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди кўмағида "Амир Темурнинг жаҳоншумул фаолиятдан лавҳалар" номли рисола нашрдан чиқди.

ЎзА

Реклама (эълон)

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк

2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан кўйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
Ўзбекистон Республикаси
Баш прокуратураси

Баш муҳаррир:

Jahongir MAKUMOV

Ташри ҳайати:

Ҳакимбой HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Ташрият манзили:

Тошкент шаҳри, Яхйов Г'уломов к'часи, 66-уй.

Телефон: 233-98-40,

Факс: 233-10-53,

233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Газета haftanang payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Ташриятга келган қо'люзмалар тақриз қилинмайди ва егаларига қайтарилмайди. Муаллиф fikri tashriyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tashriyat nuqsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tashriyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-5608. 43 999 nusxada bosildi.
Gazeta tashriyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Газета «Ўзбекистон» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonangiz manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Газета Ўзбекистон Республикаси матбуоти ва ахборот агентлигида 2009-йил 12-октябрда 0188-raqam bilan ro'y xatga olingan.

ISSN 2010-7617

